

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 36 (1635), 2026 йил 21 февраль, шанба



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УЛКАН ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ САЛОҲИЯТГА ЭГА

Президент Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни АҚШнинг Вашингтон шаҳрига амалий ташрифдан сўнг Тошкентга қайтиб келгач, Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазибалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Қорақалпоғистон ўзининг улкан майдони ва қазимла бойликлар захираси билан катта иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятга эга. Хусусан, 270 миллион тонна цемент, 256 миллион куб метр қурилиш ва пардозбоп тошлар, 200 миллион тонна оҳак, 31 миллион куб метр керамзит, 30 миллион куб метр қурилиш кумлари, 27 миллион куб метр гишт хомашёси, 6,9 миллион тонна шиша, 6,5 миллион тонна гипс, 4,3 миллион тонна вермикулит захиралари аниқланган.

Шу билан бирга, шаҳар ва туманлар, овуллар тўғрисидаги масофа узоклиги ҳар бир ҳудуднинг солиштирма устуқлигидан унумли фойдаланиб, аниқ ҳисоб-ки-тоб билан ишлашни тақозо этади. Умуман, қаерда соғлом муҳит, қулай шароит, адолатли ва шаффоф тизим бўлса, тадбиркор ўша жойда ишлашни хоҳлайди, инвестор ҳам ана шундай ҳудудга маблағ тикиди.

Тақдиротда сўнги йилларда Қорақалпоғистон иқтисодиётида сезиларли ўзгаришларга эришилгани қайд этилди. Жумладан, 8 йил олдин ҳудуд иқтисодиёти аҳоли жон бошига ҳажм бўйича энг охириги ўринда бўлган бўлса, бугун 7-ўринга кўтарилди. Саноат маҳсулотининг атиги 4 фоизи экспортга чиққан бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 30 фоизга етди. Умумий экспорт 2016 йилга нисбатан 3,5 қарра ошиб, 2,1 миллиард доллар бўлди.

Келгуси 5 йилда ҳудуд иқтисодиётини 102,5 триллион сўмга (2025 йилда 54,3 триллион сўм бўлган), аҳоли жон бошига эса 51 миллион сўмга етказиш, саноат ва хизматлар соҳасида 7,2 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Барча имкониятларни ишга солиб, саноат, хизматлар ва туризм экспортини 900 миллион долларга етказиш муҳимлиги таъкидланди (2025 йилда 435 миллион доллар бўлган).

Жорий йил якунига қадар ишсизлик даражасини 4,2 фоизгача, камбағалликни 3,2 фоизгача пасайтириш, Нукус шаҳри, Қўнғирот ва Чимбой туманлари ҳамда 109 та маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилинган. Қўшимча равишда “оғир” тоифадаги Бўзатов, Қонлиқўл, Мўйиқул ва Шуманай туманлари ҳамда 90 та маҳаллада камбағалликни 2 баробар қисқартириш вазибалари кўйилди.

Тақдиротда инвестицияларни жалб қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ҳудудга аввал берилган имтиёзлар мuddатини узайтириш таъкифи

билдирилди. Президентимиз ушбу тақлифни қўллаб-қувватлади.

Қорақалпоғистонга тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини 2,5 баробар ошириш (2025 йилда 2,5 миллиард доллар бўлган) мақсад қилингани қайд этилди.

Ҳудуд учун ишлаб чиқилган йирик инвестиция лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Сунъий интеллект соҳаси учун Тахиятош туманида модули интеллектуал ҳисоблаш марказини ташкил этиш, Нукус шаҳрида автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган технологик кластер барпо этиш, базальт толаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, чиқиндиларни куйдириш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш, Қораўзақ туманида кўмирдан олтин ажратиш олиш фабрикаси, Тахтақўпир туманида пахта тозалаш ва йиғирини фабрикаси, Чимбой туманида ип-калага ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳалари шулар жумласидан.

Қишлоқ хўжалиги бўйича Қорақалпоғистонда мавжуд ер ресурслардан фойдаланиш даражаси ҳудуд имкониятларига мос эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Мавжуд майдонларнинг атиги 2,5 фоизига экин экилаётгани, қолган 16 миллион гектар деярли ишлатилмаётгани қайд этилди. Иқлимга мос экин турларини топиб, уларни етиштириш бўйича илмий-амалий тажрибаларни йўлга қўйиш, сувсизлик ва шўрга чидамлик, шу жумладан, фармацевтика саноати учун доривор гиёҳларни катта майдонларда етиштириб, экспортни кўпайтириш вазибалари белгиланди.

Йайловлардан самарали фойдаланиш ва чорвачиликни ривожлантириш бўйича Вазирлар Кенгаши раисининг алоҳида ўринбосари лавозимини киритиш тақлиф қилинди. Жорий йилда 10 минг гектар йайловни тиклаш, ўсимликларни сунъий интеллект асосида мониторинг қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ҳамда сув тежовчи технологияларни жорий этиш вазибалари кўйилди.

Жорий йилда Қўнғирот, Чимбой, Беруний, Бўзатов ва Қонлиқўлда чорва озуқасини етиштириш, сақлаш ва қадоқлаш лойиҳалари, Беруний туманида йилга 36 минг тонна чорва ва балиқ озуқаси ишлаб чиқарадиган замонавий агромажмуа ишга туширилади.

Туризмни ҳудуднинг асосий драйверларидан бирига айлантириш зарурлиги таъкидланди.

“Борса келмас” туз кони ҳудудида туризм-рекреацион зонаси, Оролбўйи ва Устюрт платосида Марс сайёраси манзарасини эслатувчи нуқталарда глэмпинг зоналари ташкил этилади. Орол денгизи қуриши оқибатларини бутун дунёга намойиш қилиш учун Орол денгизи тарихи музейи замонавий технологиялар асосида модернизация қилинади.

Бу ишлар ҳисобига жорий йилда Қорақалпоғистонга 500 минг хорижий ва 3 миллион маҳаллий сайёҳ жалб этиш вазибалари қўйилди. Машҳур туроператорларга ҳудуднинг жозибадорлигини ошириш учун қўшимча имтиёзлар жорий қилинади.

Интеллектуал лойиҳалар ва стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизимни Қорақалпоғистонда бошлаш белгиланди. Ёшлар ижтимоий-иқтисодий марказида IT университети ва стартаплар учун технопарк ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, сунъий интеллектни ривожлантиришга 5 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб қилиниб, маълумотларни қайта ишлаш, “булутли” маълумотлар ва ҳисоблаш марказлари имкониятларидан фойдаланиш даражаси 10 қарра оширилиши кўзда тутилган. Жорий ва келгуси йилларда Қорақалпоғистонда 1 миллион долларлик 10 та стартап лойиҳасини бошлаш, бу мақсадларга Илмфан ва инновациялар жамғармасидан ҳар йили 30 миллиард сўмдан ажратиб бориш топширилди.

2027 йил якунигача Қўнғиротда халқаро стандартларга жавоб берадиган “қуруқ порт” мақомига эга Орол логистика марказини ташкил этиш вазибалари қўйилди.


Жорий йилда Қорақалпоғистондаги инфратузилма лойиҳалари учун 150 миллиард сўм, келгуси йилларда марказлашган ичимлик суви таъминотини яхшилашга 2,2 триллион сўм йўналтирилиши, ичимлик суви ва канализация тармоқлари, сув тақсимлаш ва тозалаш иншоотлари ҳамда йўл қурилиши лойиҳалари 200 миллион доллар жалб қилиниши белгиланди.

Йиғилиш якунида Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонда белгиланган марраларга эришиш учун барча имконият ва ресурсларни тўлиқ ишга солиш, ҳар бир туман ва маҳаллада аниқ ҳисоб-ки-тоб ҳамда манзилли ёндашув асосида иш ташкил этиб, аҳоли турмуш сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалий натижасини тезроқ таъминлаш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

## ТЕРМИЗИЙЛАР БЕДОР ЁТГАН ҚЎРҒОНИМ, ВАТАН!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Сирожиддин САЙИД билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати



Бу йил Янги Ўзбекистон ислохотлари бошланганига роппа-роса ўн йил бўлади. Ўтган тарихан қисқа даврда халқимиз “Янги Ўзбекистон” гоёси ва Учинчи Ренессанс яратишдек буюк мақсадлар йўлида бирлашди. Ҳамма замонларда ҳам гоёвий бирлашиш саодати давлатлар ва халқларга қудрат бахш этган. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган бундай буюк эврилишлар замирида эзгулик, одамийлик, инсонпарварлик гоёларини кўраётимиз, унинг амалий ифодаларини ҳар биримиз ўз ҳаётимизда ҳис қиляпмиз. Ана шу кутлуг жараёнда мамлакатимиз етакчиси “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир” деган тамойилни илгари сургани

бежиз эмас. Бу қараш замирида бугун миллий ўзлгимиз ва тараққиётимизнинг маънавий асослари мужассамлашганини кўрмоқдамиз. Буни биргина мамлакатимизда шоир ва ёзувчиларнинг эркин ижод қилиши учун барча шарт-шароит яратилгани, хусусан, уларнинг янги асарлар битиши ва китобларини чоп этиришига давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилаётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Сирожиддин САЙИД билан суҳбатимиз ана шундай кутлуг янгилишлар, маънавий юксалишимиз борасидаги фикр-мулоҳазалар билан кечди.

➤ Давоми 3-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН МУРАККАБ ХАЛҚАРО МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ҲИССА ҚЎШАДИГАН ФАОЛ ДАВЛАТГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 17-19 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ АҚШГА АМАЛИЙ  
ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР МУНОСАБАТИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 17-19 февраль кунлари Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи йил бошидаги муҳим ташқи сиёсий воқеалардан бири бўлди ва Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг стратегик хусусиятини тасдиқлади.

Ташриф дастуридан Ўзбекистон Президентининг Тинчлик кенгаши биринчи саммитида иштирок этиши, АҚШ Эксимбанки ва Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) раҳбарияти билан ишбилармонлик учрашувлари, қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими ва қўшма лойиҳалар тақдимоти ўрин олган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШ Президенти Дональд Трамп раислигида Ғазо секторини тиклаш, гуманитар ёрдам кўрсатиш ва минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинган Тинчлик кенгаши саммитидаги иштироки ташрифнинг муҳим қисми бўлди. Давлат раҳбари ўз нутқида

Ўзбекистон Ғазода уй-жой, боғча, мактаб ва шифохоналар қурилишига амалий ҳисса қўшишга тайёрлигини таъкидлаб, кенгашининг тинчликпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлашини билдирди.


Расмий дастур доирасида АҚШ савдо вазири Ҳовард Латник, АҚШ савдо вакили Жеймисон Грир билан самарали музокаралар бўлиб ўтди. Томонлар стратегик шерикликни ривожлантириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ниятини тасдиқлади. Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини қўллаб-қувватлаш ҳамда TIFA ҳадли битими доирасидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

➤ Давоми 2-бетда

Сирожиддин САЙИД,  
Ўзбекистон халқ шоири

# Ватан

<p>Дил пораси, кўз қораси сен ўзингдирсан, Менинг кўнглим сен аслида, сен кўзимдирсан. Томиримда томир ёйган илк сўзимдирсан, Илк оғригим, илк ёғирим, найсоним, Ватан.</p> <p>Қир устида ёнбошлаган бобом чайласи Бу дунёда кимларнингдир орзу-ҳаваси. Димоғимда юлдуз иси, шабнамлар иси, Момом экиб кетган кашнич, райхоним, Ватан.</p> <p>Қулоқ солсам шивирлагай ҳатто тошларинг, Ою куёш, камалаклар — кўзу қошларинг. Бешигимни тебратгандир қалдирғочларинг, Ою куёш кўрпа солган айвоним, Ватан.</p> <p>Бўронлари тулпорларга туллар ёл бўлган, Бир ўғлони чинор, бири мажнунтол бўлган. Темурлари от минганда жаҳон лол бўлган, Дунёларга тимсол шоҳу султоним, Ватан.</p> <p>Валилардан ибрат сўйлар жулдур сахролар, Сўнди қанча салтанатлар, қанча туғролар.</p>	<p>Мақбаралар айтсин, лекин айтсин Зухролар: Ер остидан суҳбат айлар хануз Кубролар, Термизийлар бедор ётган кўрғоним, Ватан.</p> <p>Эй дунёга Берунийни берган маконим, Ибн Синоларни туққан кутлуг замоним. Улуғбексан, уйғотолган рўйи жаҳоним, Навоийсан, Ер юзида мангу қолғоним. Ер юзига етган илму ирфоним, Ватан.</p> <p>Не тонг эди — изғиринлар захрини тотдинг, Дастурхонда музтар қолди қанду наботинг. Шаҳидларинг номларидир ҳар бир работинг, Абадий ёд эрур асли адабиётинг, Чўлпон, Фитрат, Қодирий ҳам Усмоним, Ватан.</p> <p>Гард қўнмасин токи сенинг киприқларингга, Киприқларинг киприк қилай кўприқларингга. Ўхшаб турган улуғларинг ҳам пирларингга Булуғларинг юзиб юрар кўк, қирларингга, Уйғоқ руҳлар осмонида посбоним, Ватан.</p> <p>Нақшларинг қутулдилар кишан-бандлардан,</p>	<p>Хатлар олдим юрагимга Нақибандлардан, Афросиёб билан тенгдош қуй, оҳанглардан. Шеърларимга ранглар олдим Самарқандлардан, Гоҳи мовий, гоҳи зангор достоним, Ватан.</p> <p>Боболарим хокини мен юзларга суртай, Дилимдаги энг муқаддас сўзларга суртай, Онамдаин азиз нону тузларга суртай. Озод бўлган оятларинг кўзларга суртай, Ўз юртига қайтиб келган Қуръоним, Ватан.</p> <p>Мен дунёни не деб айтай? Бу бир қўхна боғ, Ўз билганим сайрар бунда ҳар қумри, ҳар зоғ. Асло сенинг бағирларинг кўрмайин мен доғ, Юлдузларга осмон бўлган эй нурилу тупроқ, Осмонлари еру, ери осмоним, Ватан.</p> <p>Сўқмоғингда мен бир эпкин ё бир насимман, Япроқ сенинг, хас бўлсам гар сенинг хасингман. Жайронларинг кўзларидан қолар сўзингман, Менинг борим сен биландир, йўғим сен билан, Катта йўлга чиққан улуг қарвоним, Ватан.</p>
---	--	---



# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОДИМЛАРИ

Муносабат

Бугун Ўзбекистон ўз тараққийининг янги босқичига муносиб етакчиси билан дадил қадам қўйди. Дунё тарихига янги Ўзбекистон номи билан муҳрланаётган бу юрт изчил ислохотлар, ташаббускор ғоялар, кучли меъморлик ва инноваторлик қудрати билан чинакам янгилашни, ўсиш, юксалиш босқичига қўтарилди. Халқимиз ҳаётида янги давр бошлангани дунё мамлакатлари кўз ўнгиде ҳам яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, янги Ўзбекистон миллий тараққийининг халқро микёсда тан олиниши ва эътироф этилиши бу борадаги бемисл ютуғимиздир. Зеро, жаҳон минбарларидан туриб миллий қараш ва мақсадларимизни тўла ифода этаётганимизнинг ўзи катта ғалаба аслида.

Илҳомбахш ташаббуслар ва юқори даражадаги муносабатлардаги фаоллик туфайли дунёга очкилик сиёсатига содиқ қолаётган Ўзбекистоннинг ҳамкорлари, хайрихоҳлари ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг халқро ташрифлари натижасида мамлакатимиз хорж давлатлари билан фаол дипломатик муносабатларни йўлга қўйди. Хусусан, Америка Қўшма Штатлари билан муносабатлар стратегик шериклик даражасигача кўтарилди.

пандемия таъсири (2019-2022 йиллар), жадаллашув (2023-2025 йиллар) ва глобал интеграция (2026 йил). Хар бир босқичда раҳбарлар учрашувлари ва суҳбатлари орқали мақсадлар аниқ белгиланган — Ўзбекистон учун хоржий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва минтақавий таъсирини ошириш, АҚШ учун эса Марказий Осиёда стратегик шерик топиш, глобал хавфсизлик ва савдо масалаларини ҳал этиш.

**Тарих**  
Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликнинг 2017 йилдан ҳозирги кунгача бўлган тарихи, айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги ислохотлар фондида муносабатларнинг тез эволюциясини ва чуқур интеграциясини намоён этади. Бу даврда икки давлат ўртасидаги алоқалар нафақат дипломатик, балки иқтисодий, хавфсизлик ва минтақавий барқарорлик борасида ҳам сезиларли даражада ривожланди. Бу жараёни бир неча босқичга бўлиш мумкин: янги бошланиш (2017-2018 йиллар), барқарорлашув ва

**Янги босқич**  
Жараёнинг бошланиши 2017 йилда, Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев ва АҚШнинг ўша пайтдаги Президенти Дональд Трамп ўртасидаги биринчи учрашув билан боғлиқ. Бу учрашув муносабатларда янги даврнинг очилишини белгилаб берди. Чунки Ўзбекистоннинг иқтисодий очкилик, инсон ҳуқуқлари ва хоржий инвестицияларга йўналтирилган ислохотлари АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсатига мос тушди. Мақсад,

**Барқарорлашув ва пандемия таъсири**  
2019-2022 йиллар пандемия ва глобал инқирозлар таъсирида нисбатан тинч кечди, аммо муносабатлар барқарор равишда давом этди. Бу даврда катта раҳбарлар учрашувлари бўлмаган эса-да, дипломатик алоқалар ва онлайн музокаралар орқали хавфсизлик ва иқтисодий масалалари муҳокама қилинди. Масалан, АҚШ Ўзбекистонга соғлиқни сақлаш ва транс-миллий жиноятчиликка қарши курашда ёрдам берди, бу эса муносабатларнинг мустаҳкамлигини кўрсатди.

**Жадаллашув**  
2023 йилда муносабатлар жадаллашди: Нью-Йорқда “С5+1” саммити доирасида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Жозеф Байденнинг учрашуви. Бу учрашув Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ ўртасидаги минтақавий

асосан, муносабатлар пойдеворини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ислохотларини қўллаб-қувватлаш ва минтақавий хавфсизликни муҳокама қилиш эди. Натижада бу учрашув келажакдаги катта шартномаларга пойдевор қўйди.

2018 йилда бу жараён янги босқичга кўтарилди. Президент Мирзиёевнинг Вашингтонга биринчи расмий ташрифи ва Оқ уйда Дональд Трамп билан учрашуви. Бу ташриф ўзаро ҳамкорлик сифатини бутунлай ўзгартирди. Учрашувда инвестиция, савдо ва инсон ҳуқуқлари масалалари муҳокамалар марказида бўлди. Натижада 4,8 миллиард долларлик шартномалар имзоланди ва “янги стратегик шериклик даври” эълон қилинди. Бу босқич Ўзбекистоннинг ички ислохотлари (масалан, валюта эркинлашуви ва бизнес муҳитини яхшилаш) билан тўғридан тўғри боғлиқ, АҚШ бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистонга 1,8 миллиард доллардан ортиқ ёрдам ажратди, бу эса мамлакат иқтисодийини глобал бозорга яқинлаштирди. Геосиёсий жиҳатдан бу учрашув Афғонистон масаласида ҳамкорликни кучайтирди. Чунки Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг кўп аҳолига эга давлат сифатида минтақавий барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнади.

2019-2022 йиллар пандемия ва глобал инқирозлар таъсирида нисбатан тинч кечди, аммо муносабатлар барқарор равишда давом этди. Бу даврда катта раҳбарлар учрашувлари бўлмаган эса-да, дипломатик алоқалар ва онлайн музокаралар орқали хавфсизлик ва иқтисодий масалалари муҳокама қилинди. Масалан, АҚШ Ўзбекистонга соғлиқни сақлаш ва транс-миллий жиноятчиликка қарши курашда ёрдам берди, бу эса муносабатларнинг мустаҳкамлигини кўрсатди.

2023 йилда муносабатлар жадаллашди: Нью-Йорқда “С5+1” саммити доирасида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Жозеф Байденнинг учрашуви. Бу учрашув Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ ўртасидаги минтақавий

ҳамкорликни кучайтиришга қаратилди. Натижада муносабатлар “Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик мулоқоти”га айланди, у иқтисодиёт, хавфсизлик ва экологияни қамраб олди.

2025 йил бу эволюциянинг чўққиси бўлди, чунки бир неча учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Аввалига 5 сентябрда Президент Шавкат Мирзиёев ва Дональд Трамп ўртасида телефон орқали мулоқот бўлди, унда тез орада бўладиган учрашувларни режалаштириш ва икки томонлама ҳамкорликни муҳокама қилиш мақсади кўзда тутилди. Кейин Нью-Йорқда БМТ Бош Ассамблеяси доирасидаги олий даражадаги учрашувда қиймати 100 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар портфели имзоланди. Бу учрашувнинг мақсади халқро масалаларни муҳокама қилиш, инвестиция жалб этиш ва савдо ҳажимини ошириш эди. Натижада муҳим минераллар ва технологиялар бўйича шартномалар имзоланди. Шундан сўнг Вашингтонда Оқ уйдаги учрашув ва “С5+1” саммитида 34,5 миллиард долларлик инвестиция ва Ўзбекистоннинг 10 йил ичида АҚШга 100 миллиард доллар сармоя киритиш вазъаси берилди. Мақсад Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий, хавфсизлик ва экология масалаларини ҳал қилиш эди. Нихоят, 23 декабрда яна телефон мулоқоти, унда олдинги учрашувларни баҳолаш ва келажак режаларини муҳокама қилиш мақсади кўзда тутилди. 2025 йил учрашувлари муносабатларнинг иқтисодий фокусини кучайтирди.

2026 йилда жараён глобал даражага чиқди: Швейцариянинг Давос шаҳрида Тинчлик кенгаши низомини имзолаш маросими доирасидаги учрашув. Бу учрашув халқро тинчлик ва ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган бўлиб, мақсади глобал масалаларни ҳал қилиш ва Ўзбекистоннинг халқро ролинини ошириш эди. Натижада Тинчлик кенгаши доирасида музокаралар ва муҳим минераллар бўйича шартномалар имзоланди. Бу босқич муносабатларнинг етуқлигини кўрсатади: энди ҳамкорлик нафақат икки томонлама, балки глобал контекстда, масалан,

экологик ва хавфсизлик масалаларида ҳам фаоллашди.

2017 йилдан ҳозиргача бўлган бу тарих Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларининг кенгайтирилган стратегик шериклик даражасига кўтарилишини намоён этади. Учрашувларнинг частотаси ва миқёси (телефон суҳбатларидан глобал саммитларгача) алоқалар жадаллашувини кўрсатади. Натижада миллиардлаб долларлик инвестициялар, савдо ўсиши ва янги технологиялар келди. Геосиёсий жиҳатдан келажакда савдо ва экология устувор бўлиб қолади, бу эса икки давлат учун ўзаро манфаатли ривожланишни таъминлайди. Хусусан, бугун жаҳон нигоҳини тортган, кенг жамоатчилик диққат марказида бўлаётган воқея — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШлик ҳамкасби Дональд Трампнинг таклифига биноан Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этиш учун Вашингтон шаҳрига амалий ташриф буюргани ҳам ҳар бир ўзбекистонлик ҳаётида муҳим аҳамият касб этди.

**Муҳим фойдали қазилмалар бўйича ҳамкорлик**

АҚШ Халқро молиявий тараққийёт корпорацияси (DFC) ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик мамлакатимиз учун бир қатор муҳим иқтисодий ва стратегик фойдаларни таъминлайди.

Биринчидан, бу орқали муҳим фойдали қазилмалар (масалан, олтин, уран, мис, литий ва волфрам)нинг бутун қиймат занжирини — геологик қидирув, қазиб олиш ва қайта ишлашга — инвестициялар жалб қилинади. Бу Ўзбекистоннинг бой фойдали қазилма захираларини самарали ўзлаштиришга ёрдам беради. Чунки ушбу минералларнинг фойдаланилмаган захиралари кўп. Натижада иқтисодий ўсиш тезлашади, янги иш ўринлари яратилади ва экспорт даромадлари ортади.

Иккинчидан, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш имкони ошади. Бу Ўзбекистон учун АҚШнинг технологиялари ва тажрибасига киришни осонлаштирилади, шунингдек, инфратузилма (йўллар, энергетика ва

транспорт)ни модернизациялашга ёрдам беради.

Учинчидан, умумий иқтисодий манфаатларни илгари суриш ва стратегик соҳаларга — муҳим фойдали қазилмалар, инфратузилма ва энергетикага қўшма инвестицияларни рағбатлантиради.

Умуман олганда, мазкур ҳамкорлик Марказий Осиёдаги аҳолиси энг кўп мамлакат сифатида Ўзбекистоннинг глобал таъминот занжирларида муҳим ўрин эгаллашга ёрдам беради. Иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлайди ва янги технологияларга асосланган саноатни ривожлантиради.

**Тинчлик кенгаши**

Тинчлик Кенгаши АҚШ Президенти Дональд Трамп ташаббуси билан 2026 йил январь ойда Давосда (Швейцария) таъсис этилган халқро тузилма бўлиб, асосан, Ғазо секторидаги мижоро туғанидан кейин ҳудудни қайта тиклаш, гуманитар ёрдам кўрсатиш ва узоқ муддатли тинчликни таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон бу кенгашга таъсисчи аъзо сифатида қўшилган ва Президентимиз унинг биринчи йиғилишида сўзлаган нутқида Ғазо сектори бўйича фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб бергани, Дональд Трамп эса нутқида “Мирзиёев — менинг дўстим. Сиз зўр фаолият юритяпсиз” дегани икки мамлакатнинг стратегик шериклиги янги босқичга чиққанини кўрсатади.

Ўзбекистон учун бу кенгашга аъзолик Яқин Шарқда тинчликсевар давлат сифатида танилишига кўмаклашади. Бу БМТ, АҚШ ва бошқа кучли давлатлар билан муносабатларни яхшилайди. АҚШ билан стратегик ҳамкорликни чуқурлаштирилади. Гуманитар ва иқтисодий ҳисса қўшади. Глобал тинчлик ташаббусларида иштирокни кенгайтиради.

Албатта, бу жараёнда молиявий мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин, лекин Ўзбекистоннинг ҳиссаси асосан техник ва инсоний ёрдам шаклида бўлиб, тўғридан тўғри катта пул оқими эмас.

Умуман олганда, бу аъзолик Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида кўп векторли ёндашувнинг ёрқин намунаси — Ғарб, Шарқ ва Яқин Шарқ билан мувозанатли алоқаларни ривожлантиришни намоён этади. Бу янги ташаббус бўлгани учун узоқ муддатли натижалар ҳали аниқ эмас, лекин ҳозирги босқичда дипломатик ва иқтисодий жиҳатдан фойдали кўринади.

**Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, Фарғона давлат университети ректори**

# ЎЗБЕКИСТОН МУРАККАБ ХАЛҚРО МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ҲИССА ҚЎШАДИГАН ФАОЛ ДАВЛАТГА АЙЛНИБ БОРМОҚДА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 17-19 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ АҚШГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР МУНОСАБАТИ

Бошланиши 1-бетда

Экспертлар Ўзбекистон Президентининг АҚШга амалий ташрифининг Ўзбекистон ташқи сиёсати юксак даражага кўтарилганини яққол тасдиқловчи муҳим воқеа сифатида баҳоламоқда. У Тошкентнинг асосий халқро мавзулар муҳокама-сидаги иштирокини кучайтиради ва ўрта даражадаги давлатлар глобал жараёнларга сезиларли таъсир эта олишини кўрсатади. Вашингтонда эришилган Ўзбекистон — АҚШ келишувлари, хоржий таҳлилчилар таъкидлаганидек, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, лойиҳаларнинг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш, халқро ва минтақавий ҳамкорликка қўшимча туртки бериш, бизнес ва инвестициялар учун янги истиқболлар очишга қодир.

**Зафар Наваз ЖАСПАЛ, Покстоннинг Куайде-Аъзам университети сиёсат ва халқро муносабатлар факультети декани, профессор:**  
— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШ Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан Тинчлик



кенгашининг биринчи саммитида иштироки икки томонлама дипломатия доирасидан анча кенг аҳамият касб этади. Бу ташриф жаҳон сиёсатида ноаниқлик кучайиб бораётган шароитда расмий Тошкентнинг халқро жараёнларда масъулиятли ва конструктив иштирокчи сифатидаги ролинини мустаҳкамлашга интилишини акс эттиради.

Тинчлик кенгаши ғояси, энг аввало, БМТ тизими каби анъанавий глобал бошқарув механизмларига муқобил ёки параллел майдон яратишга қаратилган уринишидир. Эълон қилинган мақсадлар барқарорликни таъминлаш, инқирозга учраган давлатларда бошқарувчанликни тиклаш ва глобал мижораларнинг олдин олишга таъсир кўрсатишидир.

Ўзбекистоннинг Тинчлик кенгашидаги иштироки алоҳида аҳамиятга эга. Расмий Тошкент изчил равишда кўп томонлама, минтақавий ҳамжиҳатлик ва мулоқотга қаратилган сиёсат юритиб, Афғонистон масалалари, янги Марказий Осиёни шакллантириш ҳамда барқарор ривожланиш йўналишларида асосий иштирокчи сифатидаги нуфузини мустаҳкамлаб келмоқда. Янги форматта қўшилишни БМТни қўллаб-қувватлашдан чекиниш эмас, балки тинчликпарвар дипломатия воситаларини кенгайтириш сифатида баҳолаш лозим.

Тинчлик кенгаши биринчи саммитининг Ғазо секторига қаратилгани ташаббусга ўзига хос ифода беради. Инфратузилмани тиклаш ва барқарор бошқарувни шакллантириш вазифалари минтақавий давлатлар ҳамда халқро молиявий институтлар билан кенг қамровли мувофиқлаштиришни талаб қилади, турли минтақалардан давлатлар, жумладан, Ўзбекистоннинг иштироки эса мазкур форматнинг аҳамиятини янада кучайтиради.

Ўзбекистон учун мазкур саммитда иштирок этиш мижораларнинг олдин олишга қаратилган глобал савий-ҳаракатларга ҳисса қўшиш, АҚШ билан стратегик мулоқотни мустаҳкамлаш ва иқтисодий имкониятларни кенгайтириш фурсатидир. Кенг маънода бу ташриф Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатидаги салоҳияти ортиб бораётганини ифодалайди.

**Нина ЛИНДЕ, Латвия иқтисодиёт институти директори:**  
— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тинчлик кенгаши



йиғилишида иштирок этиш учун АҚШга ташрифи Ўзбекистоннинг халқро позициясини мустаҳкамлаш ҳамда глобал тинчлик ва барқарор ривожланиш кун тартибининг илгари суришдаги ролинини оширишда муҳим қадамдир.

Олий даражадаги кўп томонлама форумда иштирок этиш, АҚШ сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари билан икки томонлама учрашувлар ўтказишни ўз ичига олган ташрифнинг фаол дастури шундан далолат беради. Музокаралар чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди, бу томонларнинг узоқ муддатли стратегик шериклиги шакллантиришга интилишини акс эттирди.

Тошкентнинг очкилик, прагматизм ва конструктив мулоқот тамойилларига асосланган изчил ташқи сиёсати дунёнинг етакчи давлатлари ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Президентининг Тинчлик кенгаши мажлисидаги иштироки мамлакатнинг халқро барқарорлигини таъминлаш ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга амалий ҳисса қўшишга тайёрлигини кўрсатади.

Жаҳон иқтисодиёти ва геосиёсатида сақланиб қолаётган нотинчлик шароитида Ўзбекистоннинг минтақаларро кооперацияни ривожлантириш ва ташқи иқтисодий алоқаларни диверсификация қилишга қаратилган ташаббусларига алоҳида аҳамият бераман. Ишончим комилки, Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг кенгайиши инвестицияларни жалб қилиш, илгор технологияларни жорий этиш ва миллий иқтисодиёт барқарорлигини ошириш учун қўшимча имкониятлар очади.

Инвестициялар ва савдо бўйича имзоланган битимлар тўплами Тошкентнинг жаҳон иқтисодиёти ва йирик инвесторлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган прагматик ёндашувини акс эттиради, шунингдек, иккала иқтисодиётнинг барқарор ўсиши учун катта салоҳиятни намоиш этади деб ҳисоблайман.

Ташрифнинг ишбилармонлик кун тартиби марказида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида қўшма инвестиция платформасини яратиш масалалари туради. Вашингтонда мамлакатлар етакчилиги ва АҚШнинг нуфузли молиявий институтлари раҳбарияти иштирокида имзоланган ушбу механизм йирик инвестиция лойиҳаларини тизимли илгари суриш ва устувор тармоқларда хусусий капиталнинг амалий иштирокини таъминлашга қаратилган. Энергетика, муҳим минераллар, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳалари шулар жумласидан.

Шунингдек, икки давлат ўртасида қиймати 35 миллиард доллар бўлган уч йиллик Иқтисодий ҳамкорлик дастури амал қилмоқда. Фикримча, бу тўғридан тўғри инвестицияларни кўпайтириш ва глобал қиймат занжирларига янада чуқурроқ интеграциялашув йўлидаги муҳим қадамдир.

**Теуҷули ТАНАКА, Япониянинг Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш тадқиқот институти директори:**  
— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонда Тинчлик кенгашининг биринчи саммитидаги



иштироки протокол доирасидан анча ташқарига чиқадиган воқеадир. Бу геосиёсий ландшафтдаги туб ўзгаришларнинг ёрқин тасвири ва ёрдам қабул қилувчи минтақадан мураккаб халқро муаммоларни ҳал қилишга амалий ҳисса қўшишга тайёр масъулиятли глобал давлатга айланган Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги сифатини намоиш этмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг саммитдаги нутқи конструктив ва масъулиятли шериклик руҳида ўтди. Иқтисодиёти гуллаб-яшнаётган ва муносиб турмуш шароитларига эга бўлган янги Ғазони янги Ўзбекистон ва Янги Тошкент концепцияларига ўхшаш тарзда барпо этиш таклифи асосий тезис бўлди. Бу шунчаки риторика эмас, балки ислохотларнинг ўз тажрибасига асосланган муайян ўзгаришлар фалсафасини таклиф қилишдир.

Ўзбекистон етакчилигининг Ғазо ташқи бошқарувининг ҳар қандай механизмлари сектор аҳолисининг қўллаб-қувватлашга таяниши кераклигига урғу бериши принципал жиҳатдан муҳимдир. Ушбу изоҳ Яқин Шарқ воқелигини нозик тушуниш ва қарорларни четдан мажбурлашмасликка интилишни кўрсатади. Бу эса Ўзбекистоннинг позициясини тўғридан тўғри ёндашувлардан ажратиб туради.

Умуман олганда, якуний декларациянинг имзоланиши ва Ғазо сектори инфратузилмасини тиклаш лойиҳасида иштирок этиш Ўзбекистоннинг халқро мавқенини мустаҳкамлашга, унинг глобал институтлар билан ҳамкорлигини кенгайтиришга ва Яқин Шарқдаги мижорадан кейинги тартибга солиш жараёнида иштирок этувчи давлат мақомини мустаҳкамлашга қаратилган.

“Дунё” АА

# ТЕРМИЗИЙЛАР БЕДОР ЁТГАН ҚЎРҒОНИМ, ВАТАН!

## Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Сирожиддин САЙИД билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати

### Бошланиши 1-бетда

— Сирожиддин ака, ўзингизга яхши маълум, сўнгги йилларда мамлакатимизда ижодкорларга жуда катта имкониятлар эшиги очилди. Айниқса, кейинги қарийб ўн йилда яратилган бундай шартношларни тарихий ва оламшумул ўзгаришлар деб аташ мумкин. Давлатимиз раҳбари ижодкорлар билан учрашувларда ҳам адабларимизга алоҳида эътибор қаратилишини, буюк тарихимизни чуқур ўрганиш билан бирга янги Ўзбекистондаги ислохотлар моҳиятини халқимизга кенг ёйишда ижодкорларнинг ўрни беқиёс эканини таъкидлаган эди. Келинг, суҳбатимизни ана шу тарихий жараёнда бошласак.

— Адабиёт, Ёзувчилар уюшмаси ва жамиятимизда кечаятган кенг қўламли ислохотлар ҳақида гапирганда, албатта, ушбу янгиланишларнинг, бу янги замон биносининг бош меймони бўлган Президентимизнинг бор шиддати, эзгу мақсад-муддаолари ва улуг нияти кўз ўнгимизда гавдаланади. Давлатимиз раҳбари фаолиятини бошлаган илк кунларданок, биринчи навбатда, диққат-эътиборини адабиётга қаратди. Биргина мисол: ҳозир биз ўтириб, суҳбатлашаётган мана шу мухташам бино яқин ўтмишда йўқ эди.

— Етти-саккиз йил олдинги ҳолатни эсласак. Ўша ҳақратон, рутубатли кунларда Ёзувчилар уюшмаси пойтахтдаги эски бинолардан бирида ижарада турарди ва ҳаммамиз турли қаватларга тарқалиб кетган эдик.

— Бирининг қош-қовоғига қараб, бошқа бировдан хижолат тортиб ишлардик. Улуг устозлар келиб-кетарди... Хуллас, ўша пайтдаги ноқулайликларни айтaversак, гап чўзилиб кетди.

Шундай оқшомларнинг бирида давлатимиз раҳбари ижодкорларни қаҳраётгани, худлик билан Алишер Навоий номидagi Миллий богга тўланишимиз ҳақида хабар келди. Қиш кириб келаятган кунлар эди. Ҳали курилиш бошланмаган, ён-атрофи хароб ҳолатда, каттакан ва омонат елим чодир ичида йиғилдик. Айнан ўша ерда “Адиблар хиёбони” ғояси ўртага ташланди. “Шу Миллий бог ичида адабиётимиз намоёнларининг хотирасига атаб Адиблар хиёбони бунёд этсак, қолaversа, Ёзувчилар уюшмасига ҳам шу ерда мухташам бир қароргоҳ куриб берсам, нима дейсизлар?” деган савол берилди.

— Худди шу пайт осмондан пага-пага лайлаккор ёға бошлади. Биринчи сўз менга берилганида “Мухтарам Президент, эскилардан, молларимиздан қолган бир гап бор: эзгу ният қилинганда қор ёки ёмғир ёғса, демек, бу ният ижобат бўлади. Ҳозир осмон уйлаб қилинган қор Сизнинг бу улуг ниятларингизни тасдиқлаб, қўллаб-қувватлаб турибди!” дейилди.

— Эсингизда бўлса, бир мuddат тўхтаб қолган ёш ижодкорларнинг Зомин семинарлари ҳам айнан шу паллада қайта тикланди. Бу семинарнинг дастлабки ташаббускори ҳам, ўз вақтида вилоятга раҳбарлик қилган пайтларида Президентимиз бўлганини ҳамма яхши билади.

— Мазкур анжуман ёш ижодкорлар орасидаги катта қизиқишни, ёшликка хос сурур ва орзу-умидларни ўзида мужассам этган ҳолда қайта тикланди. Мана, бугунга келиб, ушбу анжуман ҳар йили мунтазам ўтказиб келинмоқда.

— Устозларимизнинг бир ҳикмати бор: “Олтин кондан фақат олтин қирилади”. Ёшлар бизнинг олтин фондимиздир. Ана шундай олтинларимизни улғайтириб, тарбиялаб, камолга етказмоқ бизнинг инсоний бурчимиз.

— Агар ташқаридан қарасангиз, бу мажмуалар жуда тез ва осон бунёд этилгандек туюлиши мумкин. Базилар бундай шиддатли ўзгаришлар ўз-ўзидан пайдо бўляпти деб ўйлар балки. Лекин буларнинг ортида катта тафаккур, тинимсиз меҳнат ва келажакни ўйлаб қилинган орзу-умидлар ётибди. Ёзувчилар уюшмасининг мухташам ёнибиди ва Адиблар хиёбонини келажакни қўллаб қўрилган буюк меъморий мажмуа деб биламан. Улар ўзаро уйғунлашиб

кетган яхлит ансамблни ташкил этади. Энг баланд айвонда эса Президентимиз ташаббуси билан буюк бобомиз Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳайкали салобат тўкиб турибди.

— Чет элдан келган ёзувчи ва шоирлар, турли мамлакатларнинг Ёзувчилар уюшмаси раҳбарлари бу маскани кўриб, ҳайратда қолмоқда. Улар “Адабиётга эътибор мана шундай бўлиши керак, биз хавасдамиз ва ҳайратдамиз!” деб ҳурмат баҳо келтириб кетяпти.



— Ҳақиқатан, шундай, Сирожиддин ака. Ўзимиз ҳам хориждан келган меҳмонлар, адиблар билан учрашиб суҳбатлашганимизда, кўпчилик ўз ҳайратини яширмайди. Ўзбекистонда шоир ва ижодкорларга шунчалик катта шартношлар яратиб берилганидан улар дол қолганини айтади. Шу саволнинг мантиқий давоми сифатида сўрамоқчи эдим: биз ҳозир суҳбатлашиб турган Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, ёнимиздаги мухташам ва ҳуркам Адиблар хиёбони, Дўрмон, Зомин ва Паркент ижод ўйлари, шунингдек, адибларимизга берилаятган уй-жойлардан ташқари, ижодкорлар учун яна қандай қўшимча шартношлар яратилмоқда?

— Бу ҳайрли лойиҳалар ҳақидаги суҳбатлар илк бор бошланганида устозларимиз ва бошқа ижодкорлар ҳам қатнашган эди. Бунёдкорлик кўлами шунчалик кенг бўлишига ва бундай юқори суръатда амалга оширилишига кимдир ишонган, кимдир эса ишонмаган ўшанда. Лекин айтилган ният жуда улуг эди: биз ёруғ жаҳонга икки буюк Уйғониш даврини тўхфа этган миллатимиз. Шунингдек, ушбу аждодларимиз борлигиндан ҳақли равишда гурурланамиз, ammo бугун фақат фахрларининг ўзи билангина иш битмайдиган, шиддатли замонларга келдик. Буюк алломалар, муҳаддислар, соҳибқиронларни дунёга келтирган, устозларимиз эътироф этганидек, қалами билан бутун дунёни эгаллаган буюк мутафаккирларни берган халқ шунчаки тарих саҳифаларида қолиб кетмаслиги керак. Бу буюклик қонимизда бор, томирларимизда оқмоқда. Биз ана шу қонини, миллат қалбини уйғотишга сафарбар этилганмиз.

— Чархи фалак то айланар экан, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Термизий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари, қолaversа, қатагон йилларида ёки ундан кейинги шўро замонида яшаб ўтган улуг устозларимиз айнан ўзимизнинг олтин қонимиздан чиққан бебаҳо маънавлардир. Бундай улуг адабиётни яратган халқнинг келажакни ҳам, албатта, шунга муносиб бўлади.

— Мана, давлатимиз раҳбари томонидан ўшанда илгари сурилган “Мақсадни, ниятни улуг ва баланд олайлик” деган улугвор ғояларнинг рўйбени бугун ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Миллатнинг миллат эканини, халқнинг халқлигини унинг адабиёти ҳам намоян этадиган замонлар келди.



— Бугунги кун — янги технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келаятган давр. Айниқса, сўнгги йилларда сунъий интеллектнинг ривожланиши ва бу борадаги технологиялар тарққиёт халқаро майдондаги вазиятга, хусусан, инсоният маънавиятига қандай таъсир кўрсатиши билан бирга салбий таъсирини ҳам ўтказаятганини афсус билан айтишимиз керак. Шу маънода, юртимиз адиблари ва ижодкорлари олдига

бугун қандай долзарб вазифалар турибди? Янги миллий маънавиятимизни асраб-авайлаш ва янада юксалтириш борасида қандай юмушларни бажаришимиз зарур?

— Улуғларимизнинг бир буюк ҳикмати бор: эзгуликни емириб ташлайдиган ҳар қандай тараққиёт ёвузликдир. Демак, тараққиёт фақат эзгуликка хизмат қилсагина, ватан ва халқ чиндан тараққиёт топади, фаровонликка эришади.

— Яқинда бир мактабдаги учрашувда иштирокимизга қарата “Навоий бобомизнинг компьютери бўлганми?” деган саволи бердик. Биласиз, ҳозирги ёшлар ҳаётини замонавий телефонларсиз, гаджетларсиз умуман тасаввур қила олмайдими? Бу саволни эшитиб, улар ҳайрон қолди. Мен уларга ҳазиломуз “Навоий бобомизнинг замонавий моноблок компьютери бўлганми?”, дедим.

— Гап шундаки, ёшлар Навоий бобомизни асосан кексаллик даври акс этган суратлари орқали тасаввур қилади. Ҳаммамиз мактабда ўқиганимиз: бобомизнинг ҳали болалигдаёқ ёзган икки мисраси даврининг буюк шоирлари томонидан қанчалар юксак баҳоланган! Ёки Шарофуддин Али Язидийдек буюк аллома ёки Алишер билан савол-жавоб қилиб, унинг илм олган мактаблари, мутлола қилган китоблари ҳақида суриштиргани ва келгусида бу зийрак, зехли болалар улуг инсон этишини чиқишини башорат қилгани тарихдан маълум.

— Хуллас, ўқувчилар мендан “Навоийда компьютер бўлганини қандай исботлайсиз?” деб сўраганида, уларга бобомизнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини мисол қилиб келтирдим. Унда “ойна жаҳон” (сехрли ойна) ҳақида сўз боради. Фарҳод сехрли ойна орқали узоқ Арманистондаги гўзал Ширинни кўриши ва унга ғойибона ошиқ бўлиши тасвирланган. Ахир бу ҳозирги видеолоқа ёки интернетнинг башорати неча арслар олдиндан кўра билиш, улуг тафаккур парвози эмасми?!

— Навоий бобомизнинг бундай мазмундаги фикрлари бор: буюклар ёган китобларини қанча кўп ўқисангиз, сиз ҳам шунчалик буюклашиб бераверасиз. Биз бобомизнинг буюк асарлар билан кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар тафаккурини кенг акс садо бермоқда. “Маърифат қарвонлари” каби маънавий тадбирлар ҳам барчага маъқул. Бундай маънавий лойиҳаларни янада кучайтиришимиз зарур. Уларнинг асл самараси, албатта, вақт мезони билан баҳоланади, бироқ бутуннинг ўзидаёқ улар жамиятимиздаги ижодий муҳитга янгила ҳақини қилишлари яққол сезилмоқда.

— Тўғри, ҳар қандай истеъдодни ҳам бир куннинг ўзидаёқ буюклик даражасига кўтариб бўлмайди ёки ҳеч кимни дарҳол даҳо ёзувчи деб эълон қилишининг имкони йўқ. Ammo шунчаки қўллаб-қувватлашнинг ўзиёқ ижодкорга улкан маънавий туртки беради. Қўллаб-қувватлашнинг илк китоби нашр этилган, ижодий йўлини, мақсад ва муддасини аниқ белгилаб олаётганига гувоҳ бўлмоқдасиз. Эътиборлиси, биз бугун фақат китоб чоп этиш билан чекланиб қолмаганимиз, муаллифларнинг иштирокида тақдимот маросимларини ташкил қилганимиз, уларга устозларни тақдир этишимиз.

— Энг муҳими, муаллифлик ҳуқуқи ва қалам ҳақи масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш ижодкорга қалам ҳақини чиройли хатжилдга солиб, катта ҳурмат билан топишириш шунчаки моддий рағбат эмас, балки ижодкорнинг кўз нури ва қалб меҳнатининг юксак қадрланишидир.

— Ўтмишни эслаганда, беихтиёр ўзимнинг бобимдан кечирганларим билан қиёслаймман. Чунки мен илк китобимни қириши учун нашриётлар оstonасида оилаб саргайтганман. “Ана чиқди, мана чиқди!” деб умид қилиб, бир ярим-икки йил деганда зўрга тежаб-тергаб иктисод қилинган қоғозлар ҳисобига чиққан эди биринчи тўпламим. Бугун бу ҳолатларни ёш авлодга гапириб берсангиз, қулгиси қистайди. “Наҳотки, шунчалик қийин бўлган?” деб ҳайратланади.

— Шу боис, ҳамма жойда кўп-кўп таъкидлайман: ижод учун шунча шартнош яратилиши керак, демек, унинг қадрига етмоқ керак! Бунинг шукронасига атаб миллат юзини ёруғ қиладиган

Зоминда ёш ижодкорлар анжуманини ўтказиш тақдирини билдирганида Абдулла ака “Хемиримиз йўқ бўлса, номимиз улуг, супрамиз қуруқ бўлса, буни қандай ташкиллаштирамиз?” деган экан. Шунда давлатимиз раҳбари “Сиз менга истеъдодларини йиғиб бериб, қолган барчасини ўз зиммамга оламан”, деган қатъий оҳангда. Мана, кўриб турганингиздек, шу биргина эътибор тўғрисида бугун Зомин ёш ижодкорлар семинари ҳақидаги маънода минглаб истеъдодлар “устахонаси” вазифасини ўтамоқда.

— Шунингдек, бу йил Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм воҳасида ҳам “Ақнақул илҳомлари” республика ёш ижодкорлар семинари қайта тикланди. Бу ташаббусларнинг барчаси Президентимизнинг бевосита эътибори ва доимий қўллаб-қувватлави самарасидир.

— Устозларимиздан қолган яна бир ҳикमत бор: буюк завқ шавқ билан ижод оламига кириб келган ёш истеъдод эгаси, токи унинг иккинчи ёки учинчи китоби нашр этилганига қадар, албатта, ёрдам бериш керак. Агар учинчи китобидан кейин ҳам ундаги истеъдод иштиёқ, меҳнатсеварлик ва ҳаётта муҳаббат балоид бўлса, кейин у, шубҳасиз, ўз йўлини топиб кетади. Бугун адабиётга қаратилган бундай юксак эътибор халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Қўллаб-қувватлашнинг юртимиздаги адабий муҳитда юз бераётган ижодий ўзгаришларини алоҳида қайд этмоқда. Яқиндагина Қирғизистон, Тожикистон ва Корея Республикасида келган ижодкорлар билан қатор учрашувлар ўтказилди, Россия билан ҳамкорликда ўзбек шеърини антологиясининг уч жилди нашр этилди. Шунингдек, меҳнаткаш таржимоналаримиз ҳам муносиб рағбатлантирилиб, давлат мукофотларига лойиқ кўрилди.

— Ҳар йили 15-20 ёш ижодкорнинг, айниқса, Зомин семинаридан муваффақиятли ўтган умидли ёшларнинг биринчи китоби навбатсиз ва катта адабда чоп этилмоқда. Илгари бирор китобнинг минг нусхада чиқиши ҳам катта гап, катта воқеа ҳисобланган бўлса, бугун ёш ижодкорларнинг китоби 5000 — 20 минг нусхада нашр этилмоқда.

— Жойларда ўтказилаётган “Ватан манзумаси” номли театрлаштирилган шеърят кечалари ҳам кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар тафаккурини кенг акс садо бермоқда. “Маърифат қарвонлари” каби маънавий тадбирлар ҳам барчага маъқул. Бундай маънавий лойиҳаларни янада кучайтиришимиз зарур. Уларнинг асл самараси, албатта, вақт мезони билан баҳоланади, бироқ бутуннинг ўзидаёқ улар жамиятимиздаги ижодий муҳитга янгила ҳақини қилишлари яққол сезилмоқда.

— Тўғри, ҳар қандай истеъдодни ҳам бир куннинг ўзидаёқ буюклик даражасига кўтариб бўлмайди ёки ҳеч кимни дарҳол даҳо ёзувчи деб эълон қилишининг имкони йўқ. Ammo шунчаки қўллаб-қувватлашнинг ўзиёқ ижодкорга улкан маънавий туртки беради. Қўллаб-қувватлашнинг илк китоби нашр этилган, ижодий йўлини, мақсад ва муддасини аниқ белгилаб олаётганига гувоҳ бўлмоқдасиз. Эътиборлиси, биз бугун фақат китоб чоп этиш билан чекланиб қолмаганимиз, муаллифларнинг иштирокида тақдимот маросимларини ташкил қилганимиз, уларга устозларни тақдир этишимиз.

— Энг муҳими, муаллифлик ҳуқуқи ва қалам ҳақи масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш ижодкорга қалам ҳақини чиройли хатжилдга солиб, катта ҳурмат билан топишириш шунчаки моддий рағбат эмас, балки ижодкорнинг кўз нури ва қалб меҳнатининг юксак қадрланишидир.

— Шу боис, ҳамма жойда кўп-кўп таъкидлайман: ижод учун шунча шартнош яратилиши керак, демек, унинг қадрига етмоқ керак! Бунинг шукронасига атаб миллат юзини ёруғ қиладиган

гўзал асарлар битиш бурчимиз. Қувонарлиси, бугун савияли китоблар сони ошди, яхши-яхши романлар ёзилмоқда. Биз ёш ижодкорлардан бундан-да каттароқ натижалар, юксак асарлар кутиб қоламиз.

— Устозимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов китобларига ёзиб берган дастхатларида бундай ўтти сўзлар бор эди: “Ижоднинг юлдузли онлари ҳаммиса сизга ҳамроҳ бўлсин!”. Қаранг, қандай гўзал ва теран тилак. “Юлдузли онлар” — бу туннинг қоп-қоронғи ярмида, ҳамма ухлаётган пайтда уйғоқ бўлиш деганидир. Туннинг қоқ ярмида дунёдан узилиб шеър битиш саодатини, масалан, мен бошқа ҳеч қандай ҳиссийта алмашгим келмайди. Чунки бу — қалб меҳнатининг энг олий шодлиги. Ана шу покиза туйғу барҳаёт экан, ҳақиқий истеъдод ҳам, асл адабиёт ҳам мангу яшайди.

— Халқаро ҳамкорлик ҳақида гапириб ўтганимиз. Озарбайжон, Туркия ва бошқа мамлакатлардан ижодкорларнинг Ўзбекистонга таърифи, шунингдек, ўзимизнинг ижодкорларини хорижий давлатларга сафарини уюштириш борасида уюшма сермасхул ишламоқда. Айтинг-чи, 2025 йилда халқаро ҳамкорлик бўйича уюшманинг фаолияти қанчалик шиддатли ва самарали кечди?

— Ота-боболаримиз таърифи билан айтганда, 2025 йил кўз юмиб очунча ўтиб кетди. Вақт бунчалик тез ўтгандек туюлишининг асосий сабаби ўтган йилнинг ўта шиддатли давр бўлганидир. Шу билан бирга, у йирик ислохотлар ва тарихий воқеаларга жуда бош бўлди. Президентимизнинг бундай шиддатли ва тарихий воқеаларга бой фаолияти барчамизга чинакам ўрнатилди.

— Биргина мисол: мана, кунни кеча давлатимиз раҳбарининг “Ватан ва халқ ҳақида ўйлар” китоби қўлимизга теги. Ушбу китобда биз фаолиятимизда, хусусан, халқаро ҳамкорликни ташкил этишда бевосита қўлашимиз мумкин бўлган қўллаб-қувватлаш ва йўналишлар мавжуд. Бугун халқаро алоқалар борасида Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) ҳамда унга аъзо давлатлар билан ҳамкорликда жуда катта лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

— Мана, яқиндагина Анкарадан махсус тақдиф тушди. Биз Ҳазрат Алишер Навоий аваллидиган бағишлаб Туркияда ўтказилган маданий тадбирлар ва нуфузли конференцияларда қатнашдик.



— Буюк бобомизнинг у ерда ўрнатилган ҳайкали пойига гулчамбар қўйдик. Сўнг 4 миллиондан ортқ китоб фондига эга бўлган Туркия миллий кутубонасида бўлиб, у ердаги ўзбек адабиёти бўлимини кўздан кечирдик. Ушбу кутубхона очилишида давлатимиз раҳбарини томонидан фондага тўхфа қилинган ўзбек адабиёти дурдоналарини, қолaversа, қардош халқнинг ўзбек адабиётига чекис қизқиши ва юксак хурматини кўриб, қалбимиз фахрийдорлик туғди. Шунингдек, Туркия Ёзарлар бирлиги (Ёзувчилар уюшмаси) ва Анкара иктомийи (Фанлар университетига махаллий адиблар, шоирлар ҳамда соҳа масъулари билан учрашувлар ўтказдик. Нагажанда келгуси йилларда ҳамкорликда ташкил этиладиган янги лойиҳа ва ташаббуслар бўйича муҳим келишув ҳамда шартномалар имзоладим.

— Айни шу кеча-кундузда Гуржистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан халқаро адабиёт фестивалига тақдирнома олдик. Бундан ташқари, йил давомида Қашмир халқаро адабиёт фестивалида ва Озарбайжонда ўтказиладиган китоб тақдимотларида қатнашиш бўйича қизгин тайёргарлик қўриллапти. Шу билан бирга, Тожикистон давлат университетининг ўзбек тили факультетига бориб, ижодий учрашувлар ташкил этиш бўйича режаларимиз ҳам ишловига етиб қолди.

— Албатта, бундай кенг қўламли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган давлатимиз раҳбарининг очлиқ сиёсати муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзаро таърифа алмашиш, турли ўлка ижодкорларининг асарлари билан яқиндан танишиш юрдошларимиз учун янги ва саломатли асарлар яратишда кучли туртки бўлади. Биринчи навбатда, бу жараён ёш ижодкорлар учун жуда фойдали ва ўзига хос катта таърифа майдони бўлиб хизмат қилади. Президентимиз кўп бор “Сиз ахир осмонни олмақ бўлсангиз, Не учун елқамни тутиб бермайсиз!” дея таъкидлаганидек, бугун ҳам маънода ўзбек ёш ижодкорларига ўз истеъдодини намоян этиши учун улкан имкониятлар ва кенг шарт-шартношлар яратиб берилмоқда.

— Бугун Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлаб қилинган кучли ва дўстона алоқалари мамлакат

Бу хоҳ адабиёт, хоҳ маданият ёки иқтисодий соҳаси бўлсин, давлатимизга ҳар томонлама катта манфаат келтиради. Масалан, АҚШ Президенти ташаббуси билан таъсис этилган ва Ўзбекистон таъсисчи мамлакатлардан бири сифатида тақдиф қилинган, Гаёо секторини қайта тиклашни мақсад қилган Тинчлик кенгашининг биринчи йиғилишида ҳам Президентимиз муносиб иштирок этиб қайтди. Бу ҳам Ўзбекистоннинг халқаро сиёсий майдондаги ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далolat беради. Бундай глобал миқёсдаги эзгу ташаббусларни давлатимиз раҳбари, Янги Ўзбекистон сиёсати доимо қўллаб-қувватлайди. Зеро, дунё миқёсда барқарор тинчликни сақлаб қолиш фақат битта давлат ёки битта Президентнинг сайй-ҳаракатига боғлиқ эмас. Ammo шунинг унутмаслики керак: фақат тинчлик барқарор бўлган жойдагина чинакам тараққиёт ва ривожланиш бўлади.

— Насиб этса, келгусида АҚШ билан бевосита адабиёт йўналишида ҳам кенг ҳамкорлик йўлга қўйиш ниятимиз бор. Маълумки, Америка адабиёти дунёнинг энг йирик адабий меросига эга бўлиб, Уотт Уитман, Жек Лондон, Марк Твен, Уильям Фолкнер, Эрнест Хемингуэй сингари жаҳонга машҳур улуг ижодкорларининг ўқувчиларимиз яхши билишди.

— Яқинда Президентимизнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятини юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги муҳим фармони қабул қилинди. Айтинг-чи, мана шу тарихий ҳужжатдан келиб чиққан ҳолда, бугун Ёзувчилар уюшмаси зиммасига қандай долзарб вазифалар юклатилмоқда?

— Ёзувчилар уюшмасига ҳар кунни ўнлаб хатлар, мурожаатлар келиб тушади. Уларнинг аксарияти бевосита маҳаллалар ва мактаблардан йўлланган бўлади. Ҳозир маҳаллаларимизда жуда ажойиб китоб дўконлари ва замонавий кутубхоналар ташкил этилмоқда. Бу масканларда маҳалла ва мактаб аҳли мутлола қилиш имкониятига эга. Мурожаатларнинг асосий қисми айнан мана шу кутубхоналар фондини янги китоблар билан тўлдириб ҳақида. Биз улар билан тўғридан тўғри алоқа ўрнатиб, ушбу масканлар фондида ўзбек адабиётининг энг нодир дурдоналарини мундозам етказиб бераймиз.



— Шунингдек, бу йил юртимизда маҳаллаларо китобхонлик танловларини ўтказиш режалаштирилмоқда. Бундан қўзғалган асосий мақсад, албатта, ёшларнинг бўш вақтини мазмуни ва самарали ўтказиш ҳамда маънавий тафаккурини янада юксалтиришдир. Ҳозир кўп ёшлар телефон ва компьютерларга қаттиқ боғланиб қолган. Юқоридаги каби қизиқарли ва оммавий танловлар эса уларни мутлолага қайтарди. Чунки мутлола, энг аввало, инсондаги гўзал туйғуларни тарбиялайди.

— Шу мақсадда Ёзувчилар уюшмаси бугун қатор китобларни ўз қомилиғига чоп этирмоқда. Ҳар йили юбилейи муносабати билан атоқли адибларимизнинг сайланма ва танланган асарлари, шунингдек, “Мард аскарга соғва”, “Назм бўстони”, “Наср бўстони” каби йирик туркумдаги асарларни нашр этиб келмоқдамиз. Бу йил ҳам халқимиз ва ёшларимиз учун қўллаб-қувватлаш асарларини чоп этирмоқда.

— Шу билан бирга, таълим муассасаларида ижодий учрашувлар ўтказиладиган. Биргина ўтган йилнинг ўзида мана шундай жонли учрашувларда ва турли маънавий тадбирларда 1 миллион 300 минг нусхадан ортқ китоб бепул тарқатилди. Жорий йилда ҳам ушбу хайрли ишларни изчил давом эттирмаймиз. Тўғри, бу рақамлар бир қараганда жуда кўпдек туюлиши мумкин, ammo бугун 38 миллиондан ортқ юрдошларимиз борлигини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич хали кам экани сезилади. Шунинг учун кейинги йилларда ҳамкор ташкилотлар билан бирга китобхонлик тарғиботини янада фаол ва кенг қўламли олиб бораемиз. Олдимизда адабиёт соҳаси ривож учун қилишимиз керак бўлган муҳим ишлар ва катта марралар хали жуда кўп.

— Сирожиддин ака, мазмуни суҳбатингиз учун сизга қўпдан қўп раҳмат! Албатта, биз Ёзувчилар уюшмаси жамоаси бугун қанчалик шиддат, юксак самарадорлик ва фаоллик билан ишлаётганини кўриб турибмиз. 2026 йилда ҳам уюшма жамоасига ижодий баркамоллик ва улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ёзувчилар уюшмасида бутун юртимиз маънавиятининг асл тарғиботчиси ва уни янада юксалтирувчи буюк куч бўлиб хизмат қилиши

Янги тизим йўлга қўйилиб, одамларнинг чиқинди тўловлари бўйича мажбурияти оширилгач, аҳолининг ўз кўчаси, маҳалласидаги санитар тозалikka талабчанлиги ҳам ортиб бормоқда. Бу талабчанлик, бир томондан, экологик маданият ошаётгани, бошқа томондан, қарздорлик сабаб электр тўловига қўйилаётган чекловлар билан боғлиқ.

# ЧИҚИНДИ ҚАРЗДОРЛИГИ УЧУН ЭЛЕКТР ТЎЛОВИГА ЧЕКЛОВ



## ЯНГИ ТИЗИМ ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИМИ?

Хонадонимизда электр токи ўчиб қолса, дарров мобил иловага кириб, тўлов қилишга одатландик. Бунинг учун бировга шикоят қилмаймиз, чироқ ёниши учун фойдаланган хизматимизга ҳақ тўлашимиз зарурлигини яхши биламиз. Бу бозор иқтисодиёти талаблари, қолаверса, коммунал тўловлар тўла рақамлаштирилгани маъсули. Бундай замонавий тўлов тизимлари ҳаммамиз учун қулай. Шу билан бирга, хизматга яраша тўлов маданиятини ҳам шакллантиради.

Бу борада янги ва замонавий механизмлар оммалаштирилган бундан бундан. Масалан, кунни кеча бир танишим электр энергияси учун узлиб қолгани, аммо ҳар қанча уринмасин тўлов қила олгани, сабаби, бунга чеклов ўрнатилганини айтиб қолди. Кейин билса, чиқинди тўловларидан қарздорлиги борлиги боис, электр тўлови чекланган. Сал олдироқ бу ҳақда оғохлантирув хабарини олганини ҳам эслади.

Ҳозир мамлакатимизда чиқиндидан қарзи бор абонентларнинг электр энергияси учун тўловларига чеклов қўйилаётганидан кўпчилик хабардор. Дастлаб бу тартиб 2025 йилнинг 5 ноябрдан Тошкент шаҳрида амалиётга киритилган эди. Маълумотларга кўра, жараёнинг биринчи ҳафтасидаёқ қарийб 25,1 минг кишига 2,24 миллиард сўмлик қарздорлик тўғрисида СМС хабарнома юборилган. Шундан 6 минг абонентга 5 кунлик муддат тугаганидан сўнг электр энергияси тўловларига чеклов ўрнатилган. Утган йилнинг декабрь ойидан эса янги тизим бутун Ўзбекистон бўйлаб ишлай бошлади.

У қарздорликларни автоматик тарзда қайд этади ва бу маълумотлар ҳар ойнинг 3-санасига қадар Чиқиндиларни бошқариш агентлигининг "Тоза макон" биллинг электрон тизимида шакллантирилади. Сўнг қарздор абонентлар тўғрисидаги маълумотлар "Худудий электр тармоқлари" АЖнинг биллинг тизимида узатилади. Аҳолининг чиқиндидан қарздорлиги мавжуд бўлганда, кўпчилик тушунаётганидек, электр токидан узилмайди, балки унга тўлов қилишга чеклов ўрнатилди. Бироқ чеклов ўрнатилганидан олдин қарздорлар тегишли тартибда оғохлантирилади. Қайд этилган рўйхат асосида абонентларга ҳар ойнинг 5-санасигача "Худудий электр тармоқлари" АЖнинг 2100 қисқа рақами орқали қарздорлиги бўйича СМС хабарнома юборилади. Шундан сўнг абонентга қарздорлиқни бартараф этиш учун 5 кун қўшимча муддат берилди.

Айни тартиб асосида қарздор аҳолига ҳар ой бошида хабарномалар юборилиб, белгиланган муддатда тўловни қилмаган хонадонларга электр токи тўловлари учун чеклов ўрнатилмоқда. Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр

иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги кунни кеча февраль ойи бўйича маълумотларни эълон қилди. Унда кўрсатилишича, жорий йилнинг февраль ойи бошида янги тизим орқали юртимиз бўйлаб 200 мингга яқин абонентнинг электр тўловига вақтинча чеклов ўрнатилган.

— Шу йилнинг 5 февраль кунни республика бўйича чиқинди хизматида умумий 108,9 миллиард сўм дебитор қарздорлик учун жами 1 миллион 174 минг 686 абонент "Худудий электр тармоқлари" АЖнинг 2100 қисқа рақамидан юборилган СМС хабарнома орқали оғохлантирилди, — дейди Экология вазирлиги ҳузурдаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги бош мутахассиси Умиджон Камолов. — Шундан сўнг абонентларга мавжуд қарздорлигини бартараф этиш учун 5 кун муддат берилди. Бу даврда 12,7 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди. Юртимиз бўйлаб қолган қарздорликнинг умумий 15,8 миллиард сўм маиший чиқинди хизмати қарздорлиги учун эса жами 198 минг 858 абонентнинг электр энергияси тўловига чеклов ўрнатилди. Мазкур чекловлар қарздорлик бартараф этилиши билан дарҳол ечилиди.

### Қарздорликлар асоссизми?!

Бу ерда мақсад одамларнинг электр токидан фойдаланишида чекловларни ошириш эмас, балки чиқинди тўловларининг ўз вақтида тўлашини таъминлашга қаратилган. Бу нафақат иқтисодий, балки экологик масала ҳамдир. Чунки экологик хавфсизлик, аввало, атрофимизни тоза сақлашдан бошланади, чиқиндилар эса кўчаларни ифлослантириши асосий висталардир. Бу ҳақда гап кетганда, бевосита худудларни чиқиндилардан тозалаш муаммоси ўртага чиқади. Қолаверса, уларнинг тобора ортиб бораётгани ва чиқиндиларни қайта ишлаш муҳим масалалардан бирига айлангани сир эмас. Бу жараёнлар энг замонавий технологиялар ҳамда катта маблағ талаб этади. Чиқинди

учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш орқали бунга ўз ҳиссамизни қўшиб бораемиз.

Қолаверса, ҳозир тўлов қилиш учун кунлаб овора бўлиш, тегишли манзилни излаб сарсон юришга ҳожат йўқ. Ҳамма нарса рақамлашиб бораётган, электрон тўловлар оммалашган даврда яшаймиз. Мобил иловага орқали бунинг осонгина бажариш мумкин.

Бир минсал, 2026 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда чиқинди хизматлари учун тўловларни уйма-уй юриб ундириш амалиёти буткул тўхтатилади. Эндиликда чиқинди хизматлари учун тўловлар жисмоний ва юридик шахслар томонидан фақат онлайн тарзда барча электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилади. Тўловлар эса Санитар тозалаш корхоналиги томонидан ҳисобланади. Бунда улар аниқлик ва ҳаққонийлик учун жавобгар бўлиб, фақатгина кўрсатилган хизматлар учун тўловни ҳисоблаши назарда тутилган.

— Янги тизимнинг афзаллиги ҳам шунда, кўрсатилган хизматга тариф асосида нарх белгиланади, — дейди Умиджон Камолов. — Авваллари махсус машиналар маҳаллаларда чиқиндиларни олиб чиқиб кетса ҳам ёки хизмат кўрсатилмаса ҳам аҳоли жон бошига тўлов ҳисобланаверган. Шунинг учун кўп одамлар кўрсатилмаган хизмат учун тўлов қилишдан норози бўларди. Энди бу тартиб ўзгариб, тўлов фақат хизмат кўрсатиш сонига

қараб амалга оширилоқда. Бунинг учун чиқинди ташиш техникаси GPS кузатув тизими ўрнатилган ва "Тоза макон" дастури орқали доимий назорат қилиб борилади. Ҳозирги кунда юртимизда маиший чиқиндилар билан хизмати соҳасида 50 та санитар тозалаш корхонаси фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг тасарруфида чиқинди ташувчи 3510 га яқин машина бор. Мазкур техника воситаларининг онлайн кузатув тизими-га уланганлик даражаси 87 фоизни ташкил қилади. GPS қурilmаси машинанинг ҳаракати, тезлиги, вақти, тўхталлишлар сони каби маълумотларни онлайн кузатиш туриши имконини беради. Замонавий механизмнинг ушбу афзалликлари санитар тозалаш хизмати сифатини, машиналар қатновлари сонини оширишга хизмат қилмоқда.

Янги тизим йўлга қўйилиб, одамларнинг чиқинди тўловлари бўйича мажбурияти оширилгач, аҳолининг ўз кўчаси, маҳалласидаги санитар тозалikka талабчанлиги ҳам ортиб бормоқда. Бу талабчанлик, бир томондан, экологик маданият ошаётгани, бошқа томондан, қарздорлик сабаб электр тўловига қўйилаётган чекловлар билан боғлиқ.

Гап кунни кеча ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиб, одамларнинг эътиборини торган айни мавзудаги хабар қақда бормоқда. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси чиқиндидан қарздорлик туфайли электр энергиясига қўйилаётган чекловлар юзасидан аҳоли томонидан билдирилётган эътирозлар охири бораётганини маълум қилди. Айтилишича, кўмига ва унинг худудий органига 2025 йил давомида қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиш хизматлари бўйича 1141 та мурожаат келиб тушган бўлса, 2026 йилнинг дастлабки ойларда ушбу масала юзасидан 850 дан ортиқ мурожаат қайд этилиб, қақамлар сезиларли даражада юқори экани кузатилади.

Мурожаатларда, асосан, чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилмаслиги, хизматлар сифати пастлиги, шартнома шартлари амал қилмаслиги, шунингдек, хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан асоссиз қарздорлик ҳисоблаши ҳамда бунинг оқибатида фуқароларнинг электр энергияси тўловларига чекловлар қўйилгани юзасидан эътирозлар

## Кун мавзуси



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

билдирилган. Ўрганишлар давомида айрим худудларда чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг белгиланган минимал даврийлигига амал қилмаётгани ҳамда фуқароларга асоссиз қарздорлик ҳисобланаётгани аниқланган. Шу боис, кўмига томонидан асоссиз қарздорлик ҳолатлари юзасидан электр таъминотига киритилган вақтинчалик чекловларни қайта кўриб чиқиш бўйича Чиқиндиларни бошқариш агентлиги сўров юборилгани айтилди.

Бу ҳолат қарздорликларни қайта кўриб чиқишга асос бўлиши мумкин, аммо кўпчилик куётгаётганидек, янги тизим беқор қилинмайди. Чунки бу тизим амалиётга киритилиб, ишлаб бoшлаганидан бери чиқинди тўловлари бўйича қарздорликлар сезиларли қамайган. Қолаверса, бу одамларнинг тўлов маданиятини ошириш, чиқиндилар ва атроф-муҳитга бўлган муносабатини ўзгартиришга хизмат қилапти.

Мутаасаддиларнинг таъкидлашича, янги тизимда барча жараёнлар шифоф кўрсатилади. Ҳар бир юртимизимиз ўз маҳалласидаги чиқинди ташиш машиналарининг хизмат кўрсатиш сони, тартиби ва шу йўналишдаги бошқа барча маълумотларни "Тоза макон" ягона электрон биллинг тизими орқали кузатиш имконига эга. Онлайн платформадан барча абонентлар фойдаланиши мумкин. Замонавий биллинг тизими бир қанча давлат идоралари билан идентификация қилинган бўлиб, фуқаролар "ONE ID" тизими ва шахсий ҳисоб рақами орқали махсус иловага кириб, биллинг тизимининг ўзига тегишли маълумотларни кўра олади.

## Нега айнан электр энергияси?!

Аслида, хизматга яраша тўлов таъминотининг моҳияти шундай, унда истеъмолчи ҳам, хизмат кўрсатувчи ҳам бирдек мажбуриятларга эга ва ҳар икки томон бунинг талаб қилишга ҳақли. Эркин бозор иқтисодиётидаги адолат ва шаффофлик шу тарзда шаклланади. Тўғри, камчиликлар йўқ эмас, аммо умумий олиб қараганда, янги тизим аввалгисидан кўра қатор афзалликларга эга экани кўзга ташланмоқда. Чиқинди ташиш хизматларининг рақамлаштирилиши, тўлов тизимларининг онлайн шаклга ўтказилиб, уйма-уй юришдек эскича амалиётдан воз кечилгани, кўрсатилган хизмат учун тўлов ҳисоблаш кабилар, аввало, одамларнинг ўзи учун қулай ва инсон манфаатларига хизмат қилади.

Бу тушунарли. Аммо чиқинди тўловлари нега айнан электр энергияси билан боғланаётгани аҳолини кўпроқ ўйлантириб, ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Асосий нуқулалликлар ҳам айнан электр тўловларига қўйилаётган чекловлар сабаб юзага келаётгани сир эмас.

— Мазкур тақрибга юртимиз амалиётида янгилик бўлгани боис, аҳоли орасида тушунмовчилик ва норозиликларни келтириб чиқараётгани рост, — дейди Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги бош мутахассиси Умиджон Камолов. — Бунинг жазоливи чора сифатида баҳолаб, мақсад фақат чиқинди тўловларидан қарздорликларни бартараф этишга қаратилган деб баҳолаётганлар ҳам бор. Аммо асосий мақсад замонавий тўлов тизимларининг жорий этиши ва хизматлар сифатини ошириш боришдан иборат. Бундай тизим қўллаб-даватларда оммалашган ва коммунал тўловларнинг замонавий ҳамда таъсирчан шаклларида бири саналади. Юртимизда янги тизим жорий этилишидан олдин хориж тақрибаси ўрганилди. Масалан, кўп мамлакатларда чиқинди хизматларида аниқ ўлчов бирлигининг йўқлиги сабаб тўловлар фуқаро сонига нисбатан ҳисобланади ва абонентлар сифатида юритилади. Айрим давлатларда эса чиқинди тўловлари ер солиғига, айримларида сув ёки табиий газ тўловларига уланган. Ўрганишлардан сўнг Ўзбекистон учун энг мақбул ечим сифатида электр энергиясига интеграция қилиш тартиби танланди. Бонси, юртимизнинг 96 фоиздан ортиқ худуди электр энергияси билан қопланган бўлиб, бу бошқа коммунал хизматлар орасида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Халқаро амалиётда яна бир тартиб бор. Одамлар экологик қондабузарликлар учун яхшигина жарима тўлайди. Дуч келган жойга чиқинди ташлаш фақатгина экологик маданиятсизлик эмас, балки жиддий қондабузарлик ҳамдир.

Айни пайтда юртимизнинг барча худудда жами 350 та онлайн кузатув камераси ўрнатилган бўлиб, улар турли экологик қондабузарликларни аниқлайди, белгиланган жойларга чиқинди ташлаш шуллар жумласидан. Бундай тартибсизлик учун эса тегишли чоралар ҳам қўлланилмоқда.

Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги маълумотларига кўра, ўтган йил давомида онлайн кузатув камералари орқали юртимиз бўйлаб 10 минг 199 та қондабузарлик аниқланган. Шундан 2421 таси бўйича маълумий жавобгарлик қўлланилиб, жарима ундирилган. Қолган 7778 та қондабузарлик бўйича ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўриляпти.

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

**Акмал ИСАБОВЕВ,**  
Конституциявий суднинг конституциявий қонунчиликни таҳлил қилиш бўлими бош консультанти

Бугун маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Аҳоли халқпарварликка асосланган, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотларга қатъий ишонч билдириш баробарида маҳаллалар ободлигига ҳам ҳисса қўшмоқда.

## 2026 йил – Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили

Маҳаллалар мавқеи ва ролини оширишда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг замонавий бошқарув тизими қўлланаётгани катта аҳамият касб этмоқда. Янги модель маҳаллий ҳокимият органлари билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши идоралари фаолияти ҳам яққол намоён бўлмоқда. Унинг асосида кенгаш раислиги лавозимининг таъсис этилиши ва мустақил ваколатларнинг юкланиши маҳаллий бошқарув органларининг аҳоли билан мулоқотини кенгайтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Сўнгги йилларда маҳалла институтини ислоҳ қилиш ва уни халқ ҳаётига яқин,

самарали тизимга айлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Ижтимоий маҳалла" тизими доирасида маҳаллалардаги шарт-шароит, инфратузилма ва объектлар ҳолати, курилиш ва ободонлаштириш ишларининг бориши, экологик вазият ва бошқа масалаларни фуқаролар томонидан виртуал мониторинг қилиш амалиёти жорий этилмоқда. Мазкур тизим орқали маҳалладаги ҳолатни ўрганиш юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Маҳаллаларнинг институционал асосларини такомиллаштириш, тизим учун юқори

## ЮРТ ОБОДЛИГИ КЎЗГҮСИ



малакали мутахассисларни мақсадли тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилоқда. "Маҳалла еттилик" тизими амалиётга таъбиқ этилгач, аҳолининг муаммоларини маҳалла даражасида ҳал этиш самарадорлиги ошиб, "еттилик"нинг коллегиял қарорлари асосида худуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли тобора яхшиланиб бормоқда. Шунингдек, маҳаллаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланипти, инфратузилмаси такомиллашиб, янги, замонавий қиёфа касб этмоқда.

Кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизмат



маҳалла даражасига туширилгани ҳамда 7,5 миллион фуқаро камбағалликдан чиқди, ишсизлик даражаси 2 баробар қисқарди. Шунингдек, 3500 маҳалла қиёфаси замонавий кўринишга келди. Маҳаллада иш ўрни очиб учун банкир ва солиқчилар бириктириб берилди, инфратузилмага ҳам алоҳида маблағ ажратилмоқда. Шу маънода, худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни маҳалланинг ўзида ҳал қилаётган халқчил тизим яратиш борасидаги ишлар самара бермоқда.

Ҳақиқатан, кўпчиликнинг ижтимоий муаммолари маҳалланинг ўзида ҳал

қилиниши мумкин. Бунинг учун маҳалла раислари мавжуд имкониятдан тўғри ва оқилона фойдаланиши, юқори идоралар билан ҳамкорликни тўғри ташкил қила олиши зарур. Айниқса, камбағалликни қисқарттириш, муҳтожларга ижтимоий таъминотни кучайтириш, ишсизликни қамайтириш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларида давлат органлари билан ҳамкорлик ўта муҳим. Ҳозир мурожаатлар фақат маҳалла раисларига эмас, балки "еттилик" аъзоларига ҳам тақдим қилинмоқда. Бундай ҳолатда маҳалла раислари "еттилик" аъзоларининг мурожаатлар билан ишлашни мувофиқлаштириш, ижобий тажрибани оммалаштириш, "еттилик" аъзоларига ҳар томонлама услубий ёрдам кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

Президентимизнинг 2025 йил 3 январдаги "2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Ушбу қарорга кўра, "маҳалла еттилиги"нинг масъулияти ҳамда ўзаро ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилиди. Энди ҳар бир муаммо хонадонбай ўрганилмоқда.

Хавфсизлик ва осойишталик маҳаллада энг долзарб ишлардан бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг масъулияти ва жавобгарлиги оширилди. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, "Хавфсиз маҳалла" тизимини тўлиқ жорий этиш устувор вазифа этиб белгиланди. Президентимизнинг мазкур қарори ижросини таъминлаш нафақат маъсул ходимлар, балки ҳар бир маҳалла аҳолининг бурчидир.



Аждодларимизнинг "Тил билган эл билар" деган пурмаъно хикмати бугунги глобаллашув даврида долзарб аҳамият касб этиш баробарида ҳар бир миллатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб берувчи мезон даражасига кўтарилди. Янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўяр экан, зиёлилар зиммасига жамиятимизда хоржий тилларни ўрганиш маданиятини юксалтириш, ёшу қарини илм-маърифатга даъват этишдек шарафли ва ўта масъулиятли вазифа юкланмоқда.

Мулоҳаза



ДУНЁНИ АНГЛАШ КАЛИТИ

Тил билган миллатнинг тафаккур уфқи завол топмас



Наргиза РАШИДОВА, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ташқари камида битта хоржий тилни билган инсон дунёдаги ахборот оқимининг катта қисмини мустақил таҳлил қила олади. Воқеа-ҳодисаларга ҳолис баҳо бериш кўнжимасига эга бўлади. Энг муҳими, касбий фаолиятида халқаро стандартларни жорий этади. Ахборотни биринчи бўлиб эгалаган ва тўғри таҳлил қилган инсон, шубҳасиз, рақобат майдонида юксак марраларни забт этади ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Хотин-қизларнинг хоржий тилларни ўрганишига қизиқиши ортиб бораётгани миллатимиз генотидаги тарихий ҳақиқат бўлиши мумкин. Аёл миллат тарбиячиси, она кўргонни бекасиз ва жамиятнинг фаол аъзоси сифатида тил билши орқали фарзандларига замонавий билимларни ўргатиш, уларни дунёқарашни кенг, мустақил фикрли шахс сифатида воага етказишда тенгсиз имкониятга эга бўлади. Қолаверса, тил билган аёл учун масофавий ишлаш, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш, шахсий ривожланиш эҳтирошлари кенг очилди. Бу эса она билан бюджетига баракка, аёлниң ўзинга эса ишонч ва жамиятда муносиб мавқе олиб келади.

Бугунги талабалар кечаги талабалар эмас: ҳозирги ёшларнинг нигоҳида илмга чанқоқлик ва дунёни забт этишга азму шижоат акс этиб турибди. Аудиторияларда хоржий адабиётларини асл нусхада ўқийётган, нуфузли халқаро конференцияларда маъруза қилаётган, хоржийлик тенгдошлари билан эркин мулоқотга киришаётган ўшбу ютуқлар, шубҳасиз, юртимиздаги кенг шарт-шароит ва алоҳида эътибор самарасидир. Биз, профессор-ўқитувчилар энди фақат маъруза ўқиш билан чекланмай, талабаларни глобал фикрлаш, хоржий тиллардаги маънавийлик билан ишлаш ва соҳасининг етук мутахассиси бўлишга ундашимиз зарур.

Химоя қилишда тил дипломатияси гоят катта аҳамият касб этади. Зеро, фикрини халқаро минбарларда раван ва тасвирчан ифода эта олмаган мутахассисгина мамлакат имижини шакллантиришга қодир. Бугунги глобаллашув жараёнида нафақат иқтисодий ёки сиёсий, балки маданий экспансия ҳам кучайиб бораётган. Шундай пайтда ўзбек тилининг софлигини сақлаган ҳолда жаҳон тилларини мукамал эгаллашимиз жуда муҳим вазифадир.



Тил ўрганиш инсонни миллий илдизларидан узоқлаштирмайди, аксинча, она тилининг бойлиги ва гузаллигини янада терең қис этиш, маданиятини дунёга таънаитишга хизмат қилади. Жадид боболаримиз ҳам дунёвий илмларни эгаллаш, хоржий тилларни ўрганиш орқали миллатни ғафлат уйқусидан уйғотиш, Туркистонни тараққиёт сари бошлаш орзу қилган эди. Бугун биз айна шу эзгу гояларни амалга ошириш, Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш йўлида илгари билан бормоқдамиз. Ўрганишдан ҳар бир янги сўз, ўқилган ҳар бир китоб, ўзлаштирилган ҳар бир тил бизни ёруғ келажакка, юксак цивилизацияга ва фаровон ҳаётга етказяди.

Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш ва миллий манфаатларини қўллаш шарт. Катта авлод вакилларининг тил ўрганишига киришиши ҳам жамиятда ўзига хос ижобий психологик иқлимни вужудга келтиради. Ёшлар бобо-бувалари ёки ота-онанинг китоб ўқийётгани, янги сўзларни ёдлаётганини кўриб, улардан ўрнак олади ва илм олишга иштиёқи янада ортади. Ёши улғур инсонлар учун эса тил ўрганиш нафақат ақлий фаолиятни сақлаш, балки замон билан ҳамнафас бўлиш, неваралари билан бир тилда гаплашиш ва дунё янгиликларидан бохабар бўлиш воситасидир. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ёши ва касбидан қатъи назар, ўз устиди ишлашдан тўхтамаслиги, доимо оқаллашга иштиёқи янги Ўзбекистон фуқаросига ҳос фазилат бўлмоғи даркор.

QR code and text: УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-ҚОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Нуқтаи назар

МИЛЛИЙ ТУРИЗМ РИВОЖИ

Яқинда Президентимиз раислигида Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда туризм соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Энг аввало, 2026 йилда вилоятга 600 минг хоржий ва 3 миллион маҳаллий сайёҳни жалб қилиш, 72 янги жойлаштириш воситасини ишга тушириш ҳамда 500 янги иш ўрни очиш, 18 та маҳаллада меҳмон уйлари барпо этиш, Навбахор туманидаги Сармишхўй худуди атрофида дам олиш ва кўнгилочар маскан ташкил этиш имкониятлари кўрсатиб ўтилди.

СОҲАДАГИ МУАММОЛАР ҲАЛ ҚИЛИНИБ, ҚАТОР ИМТИЁЗЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА



Алишер ЭШПАТAEВ, ТДИУ "Туризм ва меҳмонхона бизнеси" кафедраси мудири, иқтисодий фанлари доктори, профессор

Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессияси, ШХТ саммити ўтказилгани тарихий воқеалардан бўлди. Туризмнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида 2025 йилнинг ўзида 8 та туризм қишлоғи ва маҳаллалари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 32 га етказилди. Шу билан бирга, Бутунжаҳон туризм ташкилотининг олис худудларда сайёҳлик ривожлангани ҳамда барқарор туризмни ривожлантириш ва тарғиб қилишга қаратилган энг яхши туризм қишлоқлари танловида илк бор Навоий вилояти Нурута туманидаги Сентоб қишлоғи галиб бўлди.

Сайёҳлар оқими рақамларда

Мамлакатимизда туризм соҳаси бўйича кенг қамровли ишларнинг бажарилиши, жумладан, хавфсизлик, тарихий ва замонавий туризм объектларига шаероитларнинг талаб даражасида таъминлини, транспорт йўналишлари кўпайгани натижасида юртимизга келган туристларнинг ўртача қолиш вақти 7-8 кунни ташкил этади. Бу ўтган йилларга нисбатан 3 баравар юқори кўрсаткичдир. Шунингдек, хоржий ҳар бир сайёҳнинг республика худудида бевосита саёҳат харажатида ташқари сарфлайдиган ўртача маблағи 2017 йилдаги 197 доллардан 2025 йилда 500 долларга етди. Ўтган йили туризм хизматлари экспорти 4 миллиард 827,4 миллион долларни ташкил қилиб, 2024 йилга нисбатан 142,2 фоиз ошди.

Шунингдек, Кармана шаҳрида зиёрат туризмни ривожлантириш, ундаги Қосим шаёх хонақоҳи ва Мирсаид Баҳром зиёратгоҳи, Эски шаҳар бозори ҳамда "Янги авлод" боғи негизинда "Қадимий Кармана" маданият ва туризм марказини ташкил этиш, Саудия Арабистони, Қатар ва БАА тажрибасини ўрганиб, Навоий худудининг катта қисмини эгаллаган чў ва яйловларда туризмни ривожлантириш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Бу каби имкониятлар юртимизнинг барча худудида мавжуд. Йиғилишда кўрсатиб ўтилган вазифалар фақат Навоий вилояти учун эмас, балки бошқа худудларда ҳам миллий туризм салоҳиятидан тўғри фойдаланиш имкониятини беради.

Кейинги йилларда туризмга берилётган имтиёз ва имкониятлар самарасини қатор ўзгаришлар мисолида кўриш мумкин. Аввало, соҳадаги катта муаммолар ҳал қилиниб, қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Туризм инфратузилмаси тақомиллаштирилиб, маҳаллий ва хоржий инвестиция жалб қилинди. Сайёҳлик соҳаси бўйича кадрларни тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга катта эътибор қаратилди, туристлар учун транспорт воситаларидан фойдаланишда яққа монополиядан воз кечилиб, мўқобил шакллар йўлга қўйилди.

Сайёҳларга виза бериш тартиби кескин либераллаштирилди. Аэропортларда узун навбатлар ва текширишларга барҳам берилди. "Яшил йўлак"лар ташкил қилинди. Хоржий меҳмонлар электрон рўйхатдан ўтказилиб, эркин ҳаракатланиши учун зарур шароит яратилди. Валюта айирбошлашга доир чекловлар бекор қилинди, туристик ташкилотлар учун ижтимоий ва айланма солиқ ставкалари, ер-мол-мулк солиғи ставкалари бўйича имтиёзлар берилди. Умуман, туризм соҳасини ривожлантириш борасида узқичи кўзлаб қилинган тизимли ишларни санаб, адоғига этиб бўлмайд.

Стратегик сектор мақоми ва муқим иш ўрни

Жаҳон туризм ташкилоти маълумотига кўра, 200 миллионга яқин киши туризм соҳасида меҳнат қилмоқда. Сайёҳларга хизмат кўрсатишдан тушадиган даромад 1 триллион долларни ташкил қилади. Қолаверса, ҳозир дунё бўйича очилаётган ҳар 10 иш ўрнидан биттаси айнан туризм хиссасига тўғри келади. Бундан топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб боради. Саноят ва бошқа тармоқларда эса бу кўрсаткич 10 фоиздан ошмайди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида 2016 йилда илк мартабо туризм соҳасига стратегик сектор сифатида эътибор қаратила бошлади. Натижада соҳанинг хоржийлик ҳамда маҳаллий меҳмонларга хизмат кўрсатуви ёндош йўналишлари ва тармоқлари ривожланишини таъминлашда янги босқич шаклланди.

Самарқанда янги барпо этилган туризм маркази, замонавий аэропорт, меҳмонхоналар, конгресс-холл, парк, кўнгилочар ва дам олиш мажмуалари "Янги туризм дарвозаси" ва янги Ўзбекистоннинг "ташир қоғози"га айланди. Туризм марказида йирик халқаро тадбирлар —

Туризм салоҳияти дунё ҳамжамияти нигоҳида

Юртимизда туризм салоҳияти халқаро миқёсда ҳам кенг тарғиб қилинмоқда. Жумладан, АКШнинг "Time" журнали, "Travel Lemning" ва "Forbes Advisor", "The New York Times" онлайн-саёҳат қўлланмалари, Буюк Британиянинг машҳур "British Muslim Magazine" журнали, "Independent", "Rough Sides", "Dorling Kindersley", "Times Travel" ва "Lonely Planet" онлайн нашрлари ҳамда қатор хоржий ижтимоий тармоқларда Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва имконияти тўғрисида салмоқли мақолалар чоп этилиб, дунё ҳамжамияти эътиборига тақдим қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини Европа, Шимолий Америка, Осиё-Тинч океани, Яқин Шарқ, Хитой ва Марказий Осиё минтақаларида кенг тарғиб қилиш мақсадида умумий кўламини ва аудиториясини кенг нашрлар, ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари ва ташкилотлар билан шартномалар имзоланган. Хусусан, умумий аудиторияси 600 миллионлик "BBC World News", 1 миллиард аудитория кўзатишга эга "CNN" ва 800 миллионлик катта аудиторияга эга "Euronews" медиакорпорациялари, шунингдек, "Ctrip.com" онлайн саёҳат платформаси ва "Visa Facilitation Services Global" ташкилоти қабилар юртимиз имижини тарғиб этиб келмоқда.

соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори иқтисодийнинг стратегик жиҳатдан муҳим сектори сифатида туризм соҳасининг тизимли ва барқарор ривожланишини таъминлаш, соҳада давлат бошқарувини янада тақомиллаштириш, кўрсатилмаган хизматлар сифатини ошириш ҳамда миллий туристик маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Қарорга мувофиқ, 2030 йилгача туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари этиб қатор вазифалар белгиланди. Туризм соҳасининг яқин ички маҳсулотгаги улүшини амалдаги 3,5 фоиздан 7 фоизгача етказиш, чет эллик туристларнинг йиллик сонини амалдаги 10 миллиондан 20 миллионгача етказиш,



жумладан, тўлов имконияти юқори сайёҳлар оқимини кўпайтириш, туризм хизматлари йиллик экспорт қўлланми 6 миллиард АКШ долларидан ошириш шулар жумласидан. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг туризм шаҳарлари ўртасидаги транспорт қатновини яхшилаш, ички авиақатновлар сонини кўпайтириш ҳамда йўлга сарфланадиган вақтни камида 3 баравар қисқартириш, 4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналар сонини 2 баравар ошириш, туризм хизматлари ва маҳсулотларини диверсификация қилиш орқали республиканинг сайёҳлик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, Ўзбекистоннинг туризм брендини ишлаб чиқиш ва миллий туристик маҳсулотларни оммалаштириш учун янги инструментларни жорий этиш белгиланди.

Қарорга асосан мақзур асосий мақсадлар билан бирга мамлакатимиз худудига киришда визасиз режим жорий этиладиган давлатлар рўйхатини кенгайтириш, туризм-транспорт логистикасини ривожлантириш, 2026 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини 2040 йилгача ривожлантириш стратегияси ҳамда 2030 йилгача мўлжалланган туристик хизматлар бозорларида маркетинг стратегияси лойиҳаларини ишлаб чиқиш, жаҳонга машҳур кийим-кечак брендларини савдо-кўнгилочар мажмуаларга жалб қилиш ҳамда шаҳарлар четида миллий архитектура услубига асосланган зониний аутлет марказларини ташкил этиш вазифалари қўзда тутилган. Шунингдек, туризмни қўллаб-қувватлаш, рақамлаштириш, соҳа кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тақомиллаштириш каби муҳим масалаларга ҳам эътибор қаратилган.

Туризм салоҳияти дунё ҳамжамияти нигоҳида

Юртимизда туризм салоҳияти халқаро миқёсда ҳам кенг тарғиб қилинмоқда. Жумладан, АКШнинг "Time" журнали, "Travel Lemning" ва "Forbes Advisor", "The New York Times" онлайн-саёҳат қўлланмалари, Буюк Британиянинг машҳур "British Muslim Magazine" журнали, "Independent", "Rough Sides", "Dorling Kindersley", "Times Travel" ва "Lonely Planet" онлайн нашрлари ҳамда қатор хоржий ижтимоий тармоқларда Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва имконияти тўғрисида салмоқли мақолалар чоп этилиб, дунё ҳамжамияти эътиборига тақдим қилинмоқда.

Дунёдаги нуфузли халқаро ташкилотлардан бири — ТУРКСОЙда Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги нишонланди. Ушбу халқаро анжуманга йўл 9 февраль куни Тошкентнинг Адилбар хибонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойида бўлиб ўтган тантанали умуммиллий ва умуминсоний тадбирдан бошланди.



Нодир СУВОНОВ, “ADABIYOT” нашриёти бош директори

Президентимиз ташаббуси билан янги Ўзбекистонда шеърят мулкнинг султони Алишер Навоийнинг ибратли ҳаёти ва ижоди янада теран ўрганилмоқда, тарғиб этилмоқда, хорижий тилларга таржима қилинмоқда. Жумладан, бу йилги айёмда улуғ шоирнинг “Лисон ут-тайр” асари италян тилига таржима қилиниб, нашр этилгани жаҳон навоийшунослиги ва баъдий таржима тарихида улкан воқеа бўлди. Италиялик ҳамкасбим “Sandro Teti Editor” нашриёти раҳбари Сандро Тети жаноблари Римдан келтирган — Шарқ миниатюраси дурдоналари билан безатилган, жаҳон матбаачилик санъати тамойиллари асосида чоп этилган мухташам китобни арақлаб кўрарканман, фахрландим.

Қирғизистоннинг юртимиздаги факулдада ва мухтор элчиси Дүйшүнқул Чотоннинг қўлини давлатда Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилгани ва сўлим боғ барпо этилгани ҳамда бу хибон обод манзилга айлантирилгани ҳақидаги дил изҳорларини тинлар эканман, бобомиз қолдирган назмий чаманлардан бутун дунё бахраманд бўлиб келадиганини ўйлаб, кўнглимдаги ифтихор икки қарра ошди.

Туркиянинг Анкара шаҳрида, нафақат Ўзбекистоннинг, балки барча туркий тили халқларнинг, туркий тили давлатлар адабиётининг қутлуг санасига бағишлаб ўтказилган тадбирлар Алишер Навоий ҳазратларининг қарий олти асрдан буён давом этиб келадиган яна бир жаҳоншумул зафарли юриши бўлди.

Ниҳоят 12 февраль куни ана шундай кўтаринки таассуротлар оғушида Ўзбекистон



Таассурот

ЖАҲОНШУМУЛ ЭҲТИРОМ

Республикаси делегацияси таркибида бир гуруҳ шоирлар ва олимлар билан Тошкент аэропортидан Анкара шаҳрига учдик.

ТУРКСОЙнинг Анкара шаҳридаги бош қароргоҳида “Алишер Навоий — туркий адабиётнинг буюк намояниси” мавзусида

ўрганилиши, қўлэмаларни илмий тадқиқ этиш, нашр ва таржима қилиш ишлари ҳақида маълумот берилди. Бу улуғ адабий меросни замонавий илмий ёндашувлар асосида ўрганиш ҳамда ёш авлод онгига синдириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Алишер Навоий меросининг умумбашари аҳамияти ҳақида ҳам сўз бориб, шоир нафақат туркий халқларнинг, балки бутун инсониятнинг маънавий даҳоси экани таъкидланди. Навоий асарларининг бугунги тақдирини, маънавий-маърифий аҳамиятини ва адабий тафаккур тараққиётидаги ўрни ҳақида ҳам салмоқли фикрлар билдирилди.

Бугун жаҳон адабиётшунослиги ва адабий муҳити туркий дунёнинг мумтоз адабиёти, хусусан, Алишер Навоий асарларини ўрганишга фаол ёндашаётди. Жумладан, “Хамса” озарбайжон тилига тўлиқ таржима қилиниб, Бокуда нашр этилди. “Маҳбуб ул-қулуб” рисоласи озарбайжон, қозок, қорақалпоқ тилларига ўтирилди. Шу тариқа дунё бўйлаб буюк шоир ҳаёти ва ижоди бағишланган илмий ва баъдий асарлар чоп этиб келинмоқда. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Хамса ҳайратлари” достон-манзумаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи каби янги асарларда бобомиз сиймоси, ўша тарихий давр тасвирлангани, айни пайтда замонамиздаги ислохотлар ифодалангани билан муҳим.

Анқуманда Қозғистоннинг Туркиядаги факулдада ва мухтор элчиси Еркебулан Сапиев, Туркманistonнинг Туркиядаги факулдада ва мухтор элчиси Мекан Ишангулиев, Алишер Навоий номдаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик Шухрат Сирожиддинов, Анкара ижтимоий фанлар университети ректори, Туркия Ёзувчилар уюшмаси раиси Мусо Қозим Арижон, ТУРКСОЙ Ёзувчилар



уюшмаси раиси Улугбек Эшдавлат, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, шунингдек, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркманistonдан навоийшунос олимлар, таъкидли шоир ва ёзувчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Тадбир якунида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, академик Шухрат Сирожиддинов туркий дунёнинг маданияти ва адабиётининг ривожига муносиб ҳисса қўшгани учун Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙнинг олтин медали билан тақдирланди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов ТУРКСОЙ медали билан мукофотланди.

Туркия Ёзувчилар уюшмасида Алишер Навоий ижодида бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Анкара ижтимоий фанлар

университетида эса “Алишер Навоий ва туркий дунё” мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Тадбири Ўзбекистоннинг Туркиядаги факулдада ва мухтор элчиси Илҳом Ҳайдаров ҳамда Анкара ижтимоий фанлар университети ректори, профессор Мусо Қозим Арижон очиб берди. Шундан сўнг анжуман икки шубҳага бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди. Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркия ва Туркманistonдан келган соҳа мутахассислари, олимлар ва ёзувчилар Навоий шахсияти, қарашлари ва



Туркияда Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига бағишланган тадбирлар аввалида Анкара шаҳри Кеңиурен туманида қад ростилаган Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйилди. Бобомиз сиймоси бутун салобатно донишмандлиги, арбоблигино шоирлиги билан ифодаланган мазкур ёдгорлик Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги муносабати билан очилган. Гул қўйиш маросимида ТУРКСОЙ бош котиби Султон Раев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Кеңиурен тумани раҳбарияти, туркий мамлакатлардан келган таъкидли адиблар, олимлар ва адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

анжуман ўтказилди. Ташкилот бош котиби Султон Раев ушбу халқаро тадбир очилишида Навоий шахсини туркий дунёнинг умумий виждони ва тамаддуний тимсоли сифатида эътироф этди. Шунингдек, Ўзбекистонда аждодлар меросига кўрсатилаётган эътибор юқори даражада эканини таъкидлади. Хусусан, Президентимизнинг адабиёт ва маданиятни қўллаб-қувватлаш, Алишер Навоий меросини ёш авлодга етказиш бора-сидаги сазй-қаракатлари ҳақида ҳавас билан гапирди.

Тадбир доирасида ўтказилган нафис мажлисларда Алишер Навоий асарларининг Ўзбекистонда ва халқаро миқёсда

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон мияси маълумотни электрон доска ёки мониторларга қараганда, қоғоз воситалари, хусусан, газета, журнал ва китоблардан ўқиганда кўпроқ ҳамда самаралироқ қабул қилади. Колавери, ҳар қандай матбуот-нашри тарихининг бир бўлагига айланади. Йиллар ўтиб, келажак авлод муайян давр ҳақида маълумот олмақчи бўлса, шубҳасиз, ўша пайтда чоп этилган газеталарга мурожаат қилади ва шу орқали замон ҳафаси ҳамда хароратини ҳис этади.

КИТОБ ОРҚАЛИ ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ОЧИЛАДИ

Камолот калити

“Китоб — инсоннинг дўсти” иборасини жуда кўп ишлатамиз. Zero, китоб инсонга ҳеч қандай таъма ва миннатсиз маслаҳат беради. Шу боис, минг йиллардан буён китоб одамлар кўлидан тушмай, қадрланиб ва эъзозланиб келмоқда.

Ахборот энг қиммат ресурслардан бирига айланаётган бугунги рақамли даврда ҳам анъанавий кутубхоналар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бироқ замонавий шароитда ахборотдан фойдаланиш тезлиги ва қўлайлигига бўлган талаб охири бораётгани сабабли анъанавий кутубхоналар фаолиятини виртуал хизматлар билан тўлдирishi зарурати юзага келмоқда.

Келинг, бу борада кўп йиллик тажрибага эга мутахассис — Эллиқалъа тумани ахборот-кутубхона маркази директори Мақсуда Жуманиёзованинг фикрлари билан танишсак: — Виртуал кутубхоналар нима учун керак? Улар ахборотга тенг ва тезкор кириш мумкинсини ҳал қилади. Талаба, тадқиқотчи ёки китобхона ўзинга керакли манбани излаб кутубхонага боришга мажбур бўлмайди, балки бир неча сония ичида электрон ресурслардан фойдаланиш мумкин бўлади. Масалан, илмий иш ёзаётган талаба хорижий журнал мақоласини тунда, уйдан чиқмаган ҳолда юклаб олиш имкониятига эга. Рақамли каталоглар китоблар, илмий мақолалар, журналлар ва диссертацияларни муаллиф, мавзу ёки калит сўзлар асосида тезда топиш имконини беради. Google Scholar ва Миллий кутубхонанинг электрон каталоглари бунга яққол мисол бўла олади. Виртуал кутубхоналарда минглаб электрон китоблар ва илмий журналлар жамланган.

SpringerLink ва ScienceDirect платформалари миллионлаб илмий мақолаларни онлайн



тарзда тақдим этади. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан EBSCO ва ProQuest базалари фойдаланувчиларга бепул тақдим этилган бўлиб, улар орқали илмий ва академик ресурслардан эркин фойдаланиш мумкин. Замонавий виртуал кутубхоналар аудиокитоблар, видеомарузалар ва интерактив дарсларни ҳам ўз ичига олади. Coursea ва Khan Academy платформаларидаги видеодарслар мавзунини тушунишни осонлаштиради. Бундан ташқари, виртуал кутубхоналар масофавий маслаҳатлар, вебинарлар ва онлайн тренинглари орқали фойдаланувчилар билан фаол мулоқотни йўлга қўймоқда. Шу билан бирга, республика ахборот-кутубхона марказлари орқали ҳам электрон ресурсларга масофадан туриб кириш ва фойдаланиш имконияти мавжуд.

Ҳа, виртуал кутубхоналар таълим жараёнида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, сунъий интеллект ва катта маълумотлар (Big Data) технологиялари виртуал кутубхоналарни янада

ривожлантиришга имкон бермоқда. Ақлли қидирув тизимлари, шахсий тавсиялар ва индивидуал ўқув йўналишлари фойдаланувчига мослаштирилган хизматларни тақдим этади. Виртуал кутубхоналар нафақат ахборот манбаи, балки илмий ва маданий мулоқот марказига айланиши кутилмоқда.

Виртуал кутубхоналар замонавий илмий ахборот муҳитида билим олиш, тадқиқотлар олиб бориш ва таълим сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Улар анъанавий кутубхоналарни инкор этмайди, аксинча, фаолиятини рақамли технологиялар орқали тўлдирди ва кенгайтиради. Талабгорлар учун ахборотдан фойдаланиш имкониятлари қўлай, тезкор ва самарали шаклга эга бўлиб, бу илмий ишларнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон таърифида Алишер Навоий номдаги Миллий кутубхонанинг диссертациялар электрон базаси тадқиқотчилар учун катта имконият яратмоқда. ProQuest базалари бепул бўлиб, фойдаланувчилар

ресурслардан масофадан туриб фойдаланиши мумкин. Келажакда виртуал кутубхоналар таълим ва илм-фан соҳасида барқарор ривожланиши таъминловчи муҳим ахборот инфратузими сифатида айланиши кутилмоқда.

Глобаллашув даврида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, уларни сифатли ахборот билан таъминлаш долзарб вазифа саналади. Амударё тумани ахборот-кутубхона марказида ҳам бу йўналишда салмоқли ишлар қилинмоқда.

Бугунги кунда Амударё тумани ахборот-кутубхона маркази 6 мингдан ортиқ фойдаланувчига эга. Қувончлиси, ўтган йилнинг ўзиде кутубхонага 1412 янги китобхон аъзо бўлган. Шунингдек, чекка ҳудудлар аҳолисини китоб билан таъминлаш мақсадида кўчма кутубхона хизмати йўлга қўйилиб, аҳоли маърифат қарвони хизматидан фойдаланмоқда.

— Кутубхона фондини замон талабларига мос равишда тўлдирishi ва сақлаш муҳим вазифа, — дейди туман ахборот-кутубхона маркази директори Дилмурод Ҳасанов. — Ҳозирги кунда ахборот-кутубхона маркази фонди 19 минг 699 номдаги 65 минг 248 нуска адабиётдан иборат. 2025 йил давомида фондга 95 номдаги 280 нуска китоб сотиб олинган бўлса, ҳомийлар ва китобсеварлар томонидан 118 номдаги 418 нуска китоб совға қилинди. Замонавий кутубхонани ахборот технологиялари сиз тасаввур этиб бўлмайди. Марказимизнинг рақамлаштириш хизмати томонидан “Unicat” дастурига 4752 дона асосий ва 462 дона вақтинчалик библиографик ёзув киритилган. Шунингдек, марказнинг ижтимоий тармоқларидаги каналларида аудиокитоблар жойлаштирилган.

Марказ жорий йилда ҳам бу борадаги ишларни давом эттириб, китобхоналар сифатини янада кенгайтириш, тарғибот ишларини кучайтириш ҳамда аҳоли, айниқса, ёшларни китобхонликка қизиқтирувчи турли тадбирлар уюштириши мақсад қилган.

Янги Ўзбекистон тараққиётида маънавиятга эътибор ҳар қачонгидан ҳам ортмоқда. “Китобхоналар юрти” гоёси халқимизни илмга, мутолаага ва китобсеварликка етакловчи муҳим тамойилга айланади. Китобга қизиқиш қайта жонланмоқда. Чўлпон айтганидек: “Инсонга энг керак нарса — бу адабиёт, адабиёт, адабиёт!”

Биз эса маънавиятимизда бўшлиқ юзага келмаслиги ҳамда истиқболли келажак куриш учун ҳар бир хондонда, уйимизнинг бир бурчагида китоб жавонини ташкил этмоғимиз аини муудо.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида сақлаланади.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.  
30829 нускада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова  
Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмудов  
Дизайнер: Зафар Рўзиев  
Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй  
ЎзА якуни — 20:50 Топширилди — 00:45